

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

42-сон
(1010)
2021 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

621. «Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 октябрдаги ЎРҚ–723-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

622. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 октябрдаги ПФ–6324-сон Фармони

623. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 октябрдаги ПФ–6325-сон Фармони

624. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарори
625. «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ–5265-сон қарори

Учинчи бўлим

626. «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори
627. «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон қарори

Бешинчи бўлим

628. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 2-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 218-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-2*)
629. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 38-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 октябрдаги 33-2021-сон, Молия вазирлигининг 2021 йил 16 октябрдаги 65-сон «Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3326*)
630. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 июлдаги 52-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхта-

тиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2833-1*)

631. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 июлдаги 53-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3327*)
632. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 27 сентябрдаги 9-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721-1*)
633. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 28 сентябрдаги 10-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-2*)
634. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2021 йил 7 сентябрдаги 232-сон «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари, талабалари ва тингловчиларини ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3328*)
635. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 29 августдаги 60-ҚҚ-сон, Олий суднинг 2021 йил 25 августдаги 16/707-21-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 23 августдаги 35/5211-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 29 августдаги 55ққ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги 32-сон, Давлат бож-

хона қўмитасининг 2021 йил 21 августдаги 01-02/22-40-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 29 августдаги 2021-35-сон «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174-2*)

636. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2021 йил 29 сентябрдаги 404-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3329*)

637. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги 16-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

621 Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 16 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **152-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«хаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахсининг озодлигига, шаъни ва кадр-қимматига қарши (бундан тўхмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жиний йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 октябрда эълон қилинган.

ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар;

фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинганлар. Мазкур касалликларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўғай ота ва ўғай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «**Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–364-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **22-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши,

шахснинг озодлигига, шаъни ва кадр-қимматига қарши (бундан тухмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзгаларнинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жиний йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар»;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар»;

еттинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 октябрь,
ЎРҚ-723-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

622 Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини кучайтириш, уларнинг аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар йиғини ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) ҳудудда хонадонлар сони мингта ва ундан ортиқ бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ойлик лавозим маошларини 35 фоизга ошириш;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, уларга бухгалтерия хизматини кўрсатиш вазифасини туман (шаҳар) ҳокимликларидан туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига ўтказиш;

г) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг (моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағларини инobatга олмаган ҳолда) 10 фоизи миқдоридagi бюджет маблағлари;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан ажратиладиган маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 3 фоизи миқдоридagi ажратма;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинган маблағлар;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 октябрда эълон қилинган.

хомийлик маблағлари;

конунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан шахсий ва рағбатлантирувчи устамалар бериш, мукофотлаш ва ижтимоий ҳимоялаш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари:

Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши юзасидан доимий назорат олиб борсин;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўзлари фаолият юритаётган бино ва иншоотлар хатловдан ўтказилишини ва бошқа молмулклари ўзларида қолдирилишини таъминласин;

туман (шаҳар) ҳокимликларига тегишли бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фойдаланиб келинган бино ҳамда иншоотлар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги:

2021 йилда барча маҳалла фуқаролар йиғинларига зарур канцелярия товарлари хариди учун 9,2 миллиард сўм маблағ ажратилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилишини;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ойлик лавозим маоши миқдори оширилиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар 2021 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги вакант ўринлар ҳисобига бўшаб қолган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фао-

* Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 октябрь,
ПФ-6324-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

623 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Банк соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида бир-бирини такрорлайдиган вазифа ва функцияларни бартараф этиш ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 октябрь,
ПФ-6325-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 18 октябрдаги
ПФ–6325-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙҲАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–1154-сон Фармонининг 5-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4609-сон Фармонининг 7-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ–5992-сон Фармони-га 2-илованинг 13-позицияси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ–147-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 июлдаги «Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 356-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 февралдаги «Нақд пул тушумидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 29-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 декабрдаги «Республикада савдо тушуми инкассация қилишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 548-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августдаги «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрилигини текшириш тўғрисида»ги 332-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 апрелдаги «1999 йилнинг II чораги учун нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида»ги 186-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июлдаги «1999 йилнинг III чораги учун нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида»ги 338-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 362-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги «2000 йилнинг II чораги учун нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида»ги 154-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 январдаги «2001 йилги нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида»ги 53-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264-сон қарори.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сон қарори.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сон қарори.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди ҳамда ушбу Низомга 1-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**624 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини комплекс такомиллаштириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга, унга қарши курашишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш чораларини кўришни тақозо этмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларини тартибга солувчи 226 та қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги ва натижасига кўра ушбу ҳужжатларнинг 75 тасида 302 та коррупциявий омиллар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, Адлия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқувчи томонидан коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаклдаги саволнома (кейинги ўринларда — чеклист) тўлдирилиши ва лойиҳа қабул қилингунига қадар бўлган барча босқичларда унга илова қилиниши;

чеклист тўлдирилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаслиги ва ишлаб чиқувчига қайтарилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида адлия органлари томонидан аниқланган коррупциявий омиллар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланиши.

3. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-графи 2-иловага* мувофиқ;

2021 йилда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 20 январга қадар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

Бунда, ушбу режага коррупция даражаси нисбатан юқори бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи, шу жумладан жамоатчилик ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлган қонунчилик ҳужжатлари биринчи навбатда киритилади.

4. 2022 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахслар — мустақил экспертларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ҳамда мустақил экспертизадан ўтказиш Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига (кейинги ўринларда — Экспертлар реестри) киритилган жисмоний шахслар томонидан, уларнинг ўз маблағлари ва (ёки) буюртмачилар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Экспертлар реестри Адлия вазирлиги томонидан юритилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тузилган хулосалар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий кўриб чиқилади ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тузилган маълумотнома экспертиза ўтказган шахслар ва Адлия вазирлигига юборилади.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) уч ой муддатда Экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш, коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизани амалга оширадиган шахсларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ лойиҳаларни инobatга олсин ҳамда уч ой муддатда қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот лойиҳалари, шу жумладан мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари танловини эълон қилсин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечими ҳамда ушбу фаолият самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқиш.

6. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига 2022 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш бўйича энг яхши таклифларнинг давлат гранти танловларини ўтказиш тавсия этилсин.

7. Белгилансинки, 2022 — 2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-графикга (кейинги ўринларда — Режа-график) асосан ишларни ташкил этишда:

а) давлат органлари ва ташкилотлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади;

б) Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш натижалари бўйича тақдим этилган чеклист ва таклифларни умумлаштиради ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади;

қоида тариқасида, ҳар ярим йилда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда ҳар йили 15 декабрга қадар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида кейинги йил учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 январга қадар Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси ва коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлайди.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тааллуқлилиги бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади;

Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ишларининг сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, илмий доиралар ва мустақил экспертлардан иборат Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Махсус ишчи гуруҳ) ташкил этилиши мумкин;

Махсус ишчи гуруҳ аъзолари, шу жумладан давлат органлари ва ташкилотлари, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ходимлари асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда жалб қилинади ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Адлия вазирлиги билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида амалга оширилади;

халқаро молия институтлари ҳамда хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари Махсус ишчи гуруҳ фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан Махсус ишчи гуруҳ аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва улар ишини самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган компьютерлар ва канцелярия буюмлари билан таъминлаш манбалари ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини Махсус ишчи гуруҳ томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши учун Адлия вазирлигига буюртма бериши мумкин. Бунда экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов) ҳамда Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) 2022 — 2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни ташкил этиш учун халқаро молия институтлари ҳамда хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Белгилансинки, Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш талабларига риоя қилиш, коррупциявий омиллар ва нормаларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга масъул бўлган ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириб бориш, шу жумладан улар учун ўқув тадбирларини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиб боради.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Адлия вазирлиги ҳар олти ой якунида давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижаларига кўра уларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида тегишли таклифларни давлат органлари ва ташкилотларига киритади;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари юридик хизмат ходимларини лавозим маошларининг 100 фоизи миқдоридан бир марталик пул маблағлари бериш орқали рағбатлантириш ёки белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ўтказилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш фаолиятини баҳолаш мезонлари (кейинги ўринда — баҳолаш мезонлари) 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳар йили йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтингни шакллантиришда баҳолаш мезонлари инobatга олинсин.

13. Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиров) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов) билан биргаликда икки ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳаларида ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида мутахассисларнинг ушбу давлатларга ташрифларини уюштириш юзасидан таклифлар киритсин.

14. Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов):

а) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) билан биргаликда мунтазам равишда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинглар ўтказиб борсин;

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш борасида олиб борилаётган ишларни ёритиб борсин;

б) уч ой муддатда:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жамоатчиликка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича чеклист тўлдириш ва жойлаштириш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда такомиллаштирилишини таъминласин;

в) икки ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар қилиб адлия вазири Р.К. Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 октябрь,
ПҚ-5263-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**625 Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилади;

барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олинади;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январга қадар ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг мазкур фаолияти қисми учун ҳисобланадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январга қадар иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун бахтсиз ходисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш ва тиббий суғурта турлари бўйича тузилган суғурта шартномалари асосида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган маблағлар жисмоний шахсларнинг жами даромади сифатида қаралмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаси бўйича йўналтирган маблағлари ҳамда уларга тўланган суғурта тўлови (суғурта товони) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиққа тортилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 октябрда эълон қилинган.

биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими негизида барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) жорий этилишини таъминласин.

Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси:

2022 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда суғурта сири тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Ягона ахборот тизимини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022 йил 1 майга қадар Ягона ахборот тизимининг манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси билан суғурта соҳасида ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

5. Белгилансинки:

Ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу тизим ишлаши учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича ишлар Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади;

Суғурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш суғурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

6. Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари томонидан ихтиёрий пенсия суғуртаси ҳамда узоқ муддатли (беш йил ва ундан ортиқ) ҳаёт суғуртаси турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланган маблағларни инвестиция қилиш мақсадида инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозларга йўналтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқсин.

Бунда, Молия вазирлигининг 2022 йил 1 июлдан бошлаб инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ҳаёт суғуртаси соҳасини ҳамда шахсий суғурта турларини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Молия вазирлиги ҳаёт суғуртаси соҳасидаги миллий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда халқаро тажрибани республикада жорий этиш юзасидан Япониянинг The Foundation For The Advancement Of Life & Insurance Around The World (FALIA), Oriental Life Insurance Cultural Development Center (OLICD) ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг халқаро ҳаёт суғуртаси жамғармалари (уюшмалари) билан тажриба алмашинуви амалиётини йўлга қўйсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси омма-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришларни ташкил этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 октябрь,
ПҚ-5265-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

626 Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш;

бола нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари;

бола нафақаси ва моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ва уларни тўлаш тартиби;

бола нафақаси ва моддий ёрдам учун тўловларни молиялаштириш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги 2022 йил мартга қадар жисмоний шахсларнинг дала томорқа ер майдонлари рўйхати шакллантирилишини ва ушбу маълумотларнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига тақдим этиб борилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимига ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига судлар томонидан чиқарилган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлик тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимидан онлайн режимда ушбу қарорлар чиқарилган кунда қабул қилинишини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

Бунда, суднинг қарорларига мувофиқ болаларнинг ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс қарамоғида қолдирилганлиги ҳамда ота-оналик

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 октябрда эълон қилинган.

ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар ва болалар тўғрисидаги маълумотлар бўйича ўзаро электрон ахборот алмашинуви таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни автоматик тарзда, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги тартибига асосан нафақа миқдори ошиши назарда тутилган фуқаролардан қўшимча ариза ва ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, кам таъминланган оилаларга болалар нафақасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам миқдорлари оиладаги 18 ёшгача бўлган болалар сонини инобатга олган ва амалдаги тўлов муддатларидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисобланади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 октябрь,
654-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) орқали аниқлаш ҳамда уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа (кейинги ўринларда — болалар нафақаси) ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни (кейинги ўринларда — моддий ёрдам) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — оиланинг 18 ёшга тўлган ижтимоий нафақа олиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими — идораларaro электрон ўзарo ҳамкорликни қўллаган ҳолда кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш амалга ошириладиган автоматлаштирилган ахборот тизими;

маълумотнома — «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этиладиган, QR-кодга эга бўлган маълумотнома.

3. Ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно) бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугаганидан сўнг ушбу Низомга асосан болалар нафақасини олиши мумкин.

4. Болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади.

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта

бўлган оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдорлари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар эгизак бўлса, уларнинг бири ёши 3 ёшгача бўлган кичик бола, кейингилари мос равишда иккинчи, учинчи ёки тўртинчи ҳисобланади.

5. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ҳамда уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлар «Ягона реестр» АТда шакллантирилади ва қабул қилинади.

6. Туман (шаҳар)ларнинг маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

2-боб. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш шартлари

7. Оила:

2021 йилнинг 1 сентябридан — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад 440 минг сўмдан ошмаганда;

2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмом харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади.

8. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

9. «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар (шахслар) қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонунчилик ҳужжатларида ушбу тоифадаги оилалар (шахслар)га белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Бунда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёзларни олиш учун «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 3 дақиқа ичида ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади.

Ушбу маълумотнома оила (шахс) «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб ўн икки ой давомида амал қилади.

Агар битта оила сўнгги 12 ой давомида кетма-кет «Ягона реестр» АТ орқали бир неча маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган бўлса,

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бунда маълумотноманинг амал қилиш муддати ушбу оила охириги маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошланади.

Оила (шахс) «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ушбу Низомга 1а-иловага* мувофиқ схема бўйича тақдим этилади.

Маълумотнома тақдим этилганлиги учун йигим ундирилмайди.

10. Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича тайинланади ва тўланади.

11. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Оиланинг муомалага лаёқатли исталган аъзосидан бири (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, 18 ёшга тўлган, ўз оиласига эга бўлмаган (ота-онаси, улардан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга яшовчи) боласи ёки оиланинг фарзандликка олинган боласи ёхуд васийликка олинган шахслар) ариза берувчи бўлиши мумкин.

12. Ҳар бир оила томонидан болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун ариза топшириш ва «Ягона реестр» АТга киритиш бир ойда бир марта амалга оширилади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагач, ариза берувчи ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни янги муддатга тайинлаш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойда берилади. Такрорий мурожаатлар умумий белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

3-боб. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби

13. Кам таъминланган деб эътироф этилган оилага болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомалага лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади.

14. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан махсус рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади, бунда аризанинг берилган санаси, ариза берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.

15. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда — Пенсия

* 1а-2-илловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жамғармаси бўлими) бошлиғининг номига ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи ва оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти ёки ID-карталари (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризага қайтарилади);

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд варағи (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризага қайтарилади);

болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органи қарорининг нусхаси илова қилинади;

оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида ушбу Низомга 3а-иловага* мувофиқ шакл бўйича маълумот;

ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан «Ягона реестр» АТга тақдим этиш тўғрисида оилада бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ушбу Низомга 3б-иловага* мувофиқ шакл бўйича ариза.

Бунда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзоларининг ҳақиқийлиги учун ариза берувчи жавобгар бўлади. Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан текширилади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин берилган аризалар белгиланган тартибда кейинги ойда кўриб чиқилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ариза берувчига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар қўшимча беш кун ичида, бироқ ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилиши шарт.

16. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризада кўрсатилган ариза берувчи ва унинг оила аъзолари таркибини ҳамда улар аризада кўрса-

* 3 — 3б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тилган манзил бўйича яшаётганлигини ариза берилган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида, бироқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 18-санасига қадар ўрганиб чиқади.

Ариза берувчининг оила таркиби тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шакл бўйича маълумот фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар беш кунда камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнинг 19-санасига қадар ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ариза ва тақдим этилган зарур ҳужжатларни ҳамда оиланинг таркиби тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этилган аризалар рўйхатига асосан ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шакл бўйича тақдим этилади.

17. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходимлари томонидан ҳар куни, бироқ ариза берилган ойнинг 26-санасига қадар «Ягона реестр» АТга киригилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар 3 йил давомида Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимларида сақланади.

4-боб. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби

18. Оила аъзоларининг барча расмий даромадлари, шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромаднинг ҳисоб-китоби, оила аъзоси номида мавжуд бўлган кўчмас мол-мулки ва автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлари ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасига қадар «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда жамланади ва ҳисоб-китоб қилинади.

19. Оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёхуд тайинлашни рад этиш «Ягона реестр» АТ орқали автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

20. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган мезондан ошганда;

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) идоралараро электрон ахборот тизими орқали олинган маълумотлар бўйича Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзолари эгалигида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;

в) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончномага асосан қўйидагилар мавжуд бўлганда:

ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган энгил автотранспорт воситаси;

ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган юк ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;

жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган энгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа қурилиш техникаси;

г) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида ариза берилган ойда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;

д) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берилган ойда бозор қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ суммани ташкил этувчи қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари), шунингдек, пенсионерлари томонидан аризалар тақдим этилганда;

ё) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги Низомга асосан пенсиялар билан таъминланганда;

ж) болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи ва унинг оила аъзоси томонидан такрорий ариза ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда тақдим этилганда. Бунда такроран тақдим этилган ариза «Ягона реестр» АТга киритилгандан сўнг ариза кўриб чиқилмасдан, аризага рад жавоби аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабар орқали мобил телефон рақамига жўнатилади;

з) оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;

и) оиланинг охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси томонидан

меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этилган ҳолларда;

к) расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда.

Ушбу қоида қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобда турган шахсларга;

бола уч ёшга тўлгунига қадар парвариш қилаётган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртқи шакллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болалиқдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга;

амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;

18 ёшгача болалиқдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга;

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига;

оиланинг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида оилавий тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;

оиланинг чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзоларига;

боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар)га ҳамда никохи бекор қилинган аёлларга;

расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охириги бир йил мобайнида «Темир дафтар» рўйхатида бўлган оилаларга;

туман (шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилган шахсларга;

тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди мавжуд бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига нисбатан.

Мазкур бандда кўрсатилган мезонлар асосида болалар нафақаси ёки

моддий ёрдам тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига хабар «Ягона реестр» АТ орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон шаклда (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Ягона реестр» АТ томонидан электрон сўров юборилган кунда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажи ҳисобланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган (тўлик) миқдорда ижтимоий солиқ тўланганда ҳисобга олинади.

Мазкур банднинг фақат «к» кичик банди асосида болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш рад этилган оилалар «Ягона реестр» АТ орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилади. Бунда оилга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланмайди, лекин мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотнома тақдим этилади.

Боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар) ҳамда никоҳи бекор қилинган аёллар тўғрисидаги маълумотлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан олинган электрон маълумотларга асосан аниқлаштирилади.

21. Ариза берувчининг ушбу Низомнинг 7 ва 20-бандларига мувофиқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслиги «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг таркиби бўйича тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланади.

Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан ариза берувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколати Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармасининг буйруғи билан расмийлаштирилган масъул ходимга берилади.

5-боб. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромад ҳажмини аниқлаш

22. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охириги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига ва учга бўлиш орқали аниқланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун оила таркибига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин (ёки уларнинг бири) ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамовида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олин-

ган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва ўз оила-сига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), ёлғиз оналар (оталар) киритилади.

Бунда тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, тарбиялаш учун оилага қабул қилинган (патронат тартибида) болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, шунингдек, суд қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилган шахслар оила таркибига киритилмайди.

23. Бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган кўйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкӣ даромадлар;

олинган алиментлар. Бунда, фуқаро томонидан тўланган алиментлар суммаси оиланинг жами даромадидан чиқариб ташланади;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари ва бошқалардан олинган пул ўтказмалари суммаси. Бунда хорижий валютада олинган пул ўтказмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ягона реестр» АТ томонидан электрон маълумот олинган кундаги белгиланган курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади;

Ариза берувчи ва оила аъзосининг ҳар бир корхона устав фондидаги улуши, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, суғориш воситалари олиш учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидияларни олган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пенсиялар ва нафақалар (ушбу Низомда белгиланган тартибда оила олаётган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам, ногиронлик бўйича нафақа, ногиронлик бўйича нафақа суммаси доирасидаги ногиронлик пенсияси (ногиронлик пенсия миқдоридан зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилadиган нафақа миқдори чегриб ташланади), боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга бўлган

шахсларга нафақа, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали бериладиган бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа, таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам, меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендия бундан мустасно);

томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад; чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар амалда ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунига қадар).

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида микрокредит олинган санадан бошлаб охириги 12 ой мобайнида оилавий тадбиркорликни амалга оширишдан олинган даромадлар оиланинг даромади таркибига киритилмайди.

24. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадни аниқлашда (якка тартибдаги фаолият маълум муддатга тўхтатилган давр бундан мустасно) даромад аниқланаётган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг қатъий белгиланган бир ойлик суммасининг ўн баравари миқдорига тенг бўлган, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг даромадлари миқдорини аниқлашда даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Агар электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотларда чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари миқдори аниқланмаса, у ҳолда оиланинг бир ойлик ўртача жами даромадини аниқлаш учун оиланинг чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари)нинг бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

25. Фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантларни олган ариза берувчи ва/ёки унинг оила аъзосига даромад аниқланаётган

даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари)нинг бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг бир ойлик ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

26. Болалар нафақаси ва моддий ёрдамга мурожаат қилган ойда даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган, тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди мавжуд бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига ариза берувчи ва/ёки унинг оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу қоида:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобда турган шахсларга;

бола уч ёшга тўлгунига қадар парвариш қилаётган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртки ўқиш шакллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга;

амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;

18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга (ушбу маълумот Пенсия жамғармаси бўлими томонидан аниқлаштирилади);

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларига;

оиланинг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида оилавий тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;

оиланинг чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзоларига;

боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар)га ҳамда никоҳи бекор қилинган аёлларга;

расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида «Темир дафтар»да бўлган оилаларга;

туман (шаҳар) аҳоли бандликка қўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

27. Аризачининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонида томорқа майдонини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот тизимидан электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотлар асосида қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{ТЕМ} = \text{УМ} - \text{ҚМ} - (\text{УМ} * 20 \%), \text{ бунда:}$$

ТЕМ — томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалиги майдони;

УМ — ажратилган ернинг умумий майдони (м²);

ҚМ — қурилишларнинг майдони (м²);

(УМ * 20 %) кўрсаткичи 200 м² дан ошмаган ҳолда ҳисоб-китоб учун қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад миқдори сифатида ушбу бандда белгиланган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган бир ойлик даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган бир ойлик ўртача норматив даромад томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун фойдаланилаётган сотихлар майдонини жами даромад аниқланаётган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,035 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда:

а) 4 сотихгача бўлган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалиги майдонида оиланинг меҳнатга лаёқатли ишсиз битта аъзоси ҳамда кейинги ҳар бир 4 сотихгача майдон учун қўшимча биттадан оиланинг ишсиз аъзоси томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб ҳисобланади;

б) оила аъзолари томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб қуйидаги кетма-кетлик бўйича ҳисобланади:

биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли ишсиз бўлган, бола парвариши ва ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосининг парвариши билан банд бўлмаган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган оила аъзосига;

оиланинг вояга етган, таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаётган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзоси-

нинг парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган, ўз оиласига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ишсиз фарзандига, шунингдек, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган шахсга (бир нечта фарзанди бўлганда — ёш кетма-кетлиги бўйича);

таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаётган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосининг парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган меҳнатга лаёқатли ишсиз отасига.

28. Чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларнинг бир ойлик ўртача норматив даромадини ҳисоблаш:

чорва моллари ва паррандаларнинг сони шартли бош қорамол сонига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сон қарори билан тасдиқланган Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашилишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-иловада келтирилган Чорва молларини ва паррандаларни шартли бошга ўгириш коэффициентига асосан ўтказилади;

ҳар бир шартли бош қорамол сонини даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,5 бараварига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртача норматив даромад оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

29. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилган ва томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинadиган норматив даромад «Ягона реестр» АТ орқали, шу жумладан, тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш йўли билан ҳисобланади.

30. Ариза берувчи оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{БОЎД} = (\text{МХТД} + \text{МД} + \text{ОА} - \text{ТА} + \text{ИН} + \text{ЖИМХ} + \text{СНД} + \text{ЯТТНД} + \text{ПЎ} + \text{ПН} + \text{ТД} + \text{ЧМ} + \text{БД}) / \text{ОАС} / 3, \text{ бунда:}$$

БОЎД — оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад;

МХТД — меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги уч ойлик даромадлар (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

МД — уч ойлик мулкий даромадлар (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ОА — оила аъзолари томонидан олинган уч ойлик алиментлар;

ТА — оила аъзолари томонидан тўланган уч ойлик алиментлар;

ТУ — ташкилот таъсисчисига қўлланиладиган норматив даромад;

ИН — меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тўланган уч ойлик ишсизлик нафақаси (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ЖИМХ — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган уч ойлик меҳнат ҳақи (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

СНД — фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантлар учун ҳисобланадиган ўртача уч ойлик норматив даромад;

ЯТТНД — якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ҳисобланадиган ўртача уч ойлик норматив даромадлар;

ПЎ — пул ўтказмалари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан уч ойлик пул ўтказмалари суммаси (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ёки уларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ПН — пенсия ва нафақалар кўринишидаги уч ойлик (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) даромадлар;

ТД — томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ЧМ — чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромад;

БД — оила аъзоларининг уч ойлик бошқа даромадлари;

ОАС — оила аъзолари сони.

31. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблаб чиқишнинг мисоли:

5 кишидан иборат оиланинг аъзоси моддий ёрдам учун 2020 йил декабрь ойида мурожаат этган. Унинг даромадлари август — октябрь ойлари учун ҳисобланади. Оила аъзоларининг барча даромадлари йиғиндиси (норматив даромадларни ҳисобга олган ҳолда) 5 250 000 сўмни ташкил этади.

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади кўйидагини ташкил этади: 5 250 000 сўм / 5 киши / 3 ой — 350 000 сўм.

32. Оиланинг бир ойлик ўртача жами даромади ушбу Низомда назарда тутилган тартибда олинган оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

33. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тайинланади.

Бунда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар

ҳажмидан келиб чиқиб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам, биринчи навбатда, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган мезонга тўғри келадиган ва бошқа оилалар даромадига нисбатан камроқ бўлган кам таъминланган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, кам таъминланган деб эътироф этилган оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш имконияти бўлмаган тақдирда, унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш масаласи автоматик равишда кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Бирок, оила кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб уч ой давомида туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб аризага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ариза берувчи қайтадан ариза бериш йўли билан болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш истагини тасдиқлаши шарт.

34. Ариза берувчи ушбу Низомнинг 6, 19 ва 31-бандларида кўрсатилган мезонларга мос бўлган ҳолларда «Ягона реестр» АТда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарор автоматик тарзда шакллантирилади.

Бунда ариза берувчига «Ягона реестр» АТ орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида электрон хабар (аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабарлар хизмати орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

35. Болалар нафақаси тайинланган оилада болалар сони ўзгарган тақдирда (навбатдаги бола туғилганда, 18 ёшгача болалардан бири вафот этганда, бола (болалар) 3 ёшга ва 18 ёшга тўлганда ва шу кабилар), болалар нафақаси миқдори болаларнинг тегишли сонидан келиб чиқиб, кейинги ойдан бошлаб қайта ҳисобланади.

6-боб. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш

36. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимлари (филиаллари) орқали нақд пул шаклида ёки пул маблағларини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан фуқароларнинг банк ҳисобварақлари (пластик карталари) орқали тўланади.

37. Электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари ҳар ойнинг 4-санасига қадар «Ягона реестр» АТ орқали АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатнинг охири куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келадиган бўлса, электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари кейинги 2 иш куни мобайнида АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши мумкин.

38. Тўловнинг ўтган ойида олинмаган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам суммаси тўловнинг жорий ойи тўлов рўйхатларига киритилади ҳамда

тайинланган, бироқ ўз вақтида олинмай қолган тўловлар ўтган даврларда ҳисобланган миқдорларда бутун давр учун, бироқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш муддати тугаганидан кейин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда бир йўла тўланади.

39. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш:

а) қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаганда;

ариза берувчи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзоси томонидан яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўлов тўхтатилишини сўраб ариза такдим қилинганда;

оила доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетганида;

«Ягона реестр» АТдаги ёки манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимидаги техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман такдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, аризани киритишда ва бошқа техник хатолар оқибатида нотўғри тайинланганлиги аниқланган тақдирда. Ушбу ҳолатда ўтган даврда тўланган маблағлар қайтарилмайди;

болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган ариза берувчи томонидан нотўғри ва ишончсиз маълумотлар такдим этилганлиги ёки тўлиқ такдим этилмаганлиги аниқланганда;

б) ортиқча тўловлар аниқланганда вақтинча тўхтатилади. Бунда тўловлар кам таъминланган оиллага келгуси ойларда тўланиши лозим бўлган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам учун маблағлар ҳисобига қайта ҳисобкитоб қилингандан сўнг қайта амалга оширилади;

Тўловларни тўхтатиш (қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаган ҳолатлар бундан мустасно) «Ягона реестр» АТ орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва ариза берувчига электрон хабар (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юбориш орқали билдирилади.

Ариза берувчи билан Пенсия жамғармаси бўлими ўртасидаги тўловлар тўхтатилиши ёки миқдори ўзгариши юзасидан низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд орқали ҳал этилади.

40. «Ягона реестр» АТ орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорини ва муддатини белгилаш жараёнида техник сабабларга кўра ортиқча тўловлар вужудга келганда, ушбу ортиқча тўловлар, биринчи навбатда, тегишли болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчиларга жорий ва келгуси ойлар учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан қайтарилди.

Бунда ортиқча тўловни қайтариш учун ҳисобланадиган бир ойлик болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари етарли бўлмаса, қолган ортиқча тўловлар суммаси келгуси ойлар учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

Қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати туга-

ганлиги ёки тугаётганлиги сабабли ортиқча тўловни қоплаш учун ҳисобланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам суммаси етарли бўлмаган ҳолларда:

ортиқча тўловларнинг қопланмаган суммаси болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи томонидан ўз хоҳишига кўра қопланиши мумкин;

болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчига унинг аризасига мувофиқ белгиланган тартибда унга такроран тайинланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам маблағлари ҳисобидан қопланади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижасида ортиқча тўлов аниқланган ойдан бошлаб 12 ой ўтгандан сўнг ортиқча тўловларнинг қопланмаган қисми суд тартибида ундирилади.

Бошқа ҳолларда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорларидан чегирмалар қилиниши мумкин эмас.

41. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам пулининг учинчи шахсга ишончнома орқали тўланишига йўл қўйилмайди.

Ариза берган шахс вафот этган тақдирда, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам оиланинг муомалага лаёқатли аъзосига ёки қонуний вакилига тўланади. Бунда оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили тегишли аризани ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, мавжуд бўлганда — васийлик ёки ҳомийликни тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхасини АТ «Халқ банки»нинг тегишли филиалига тақдим этиши орқали тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиши мумкин.

42. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови ойнинг 4-санасидан 27-санасига қадар амалга оширилади.

7-боб. Маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштириш тартиби

43. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам туман (шаҳар) бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харажатларнинг тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс эттирган ҳолда тўланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамнинг ҳар бир тури бўйича АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали)да алоҳида банк ҳисобварақлари очилади.

АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали) ҳар ойнинг охириг кунига қадар жорий ой учун, шунингдек, йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар бюджетга қайтарилиши ҳақида электрон маълумотларни болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар бўйича «Ягона реестр» АТга белгиланган тартибда тақдим этади.

44. Туман (шаҳар) молия бўлими болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови учун маблағларни Ягона ғазначилик ҳисобварағидан тўлов рўйхат (ведомост)лари бўйича тайинланган суммалар доирасида маҳаллий бюджет даромади тушумидан келиб чиқиб, бироқ бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлашга ойнинг 4-санасидан бошлаб, бироқ тўлов

амалга ошириладиган ойнанинг 25-санасидан кечикмай АТ «Халқ банки»нинг махсус ҳисобварағига алоҳида тўлов топшириқномалари билан ўтказилади.

Маблағлар Ягона газначилик ҳисобварағидан тегишли газначилик бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

45. Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови бўйича АТ «Халқ банки» бўлимлари (филиаллари) кўрсатадиган хизматлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан АТ «Халқ банки» ўртасида тузиладиган шартнома асосида ҳақ тўланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдори болалар нафақаси ва моддий ёрдамга ажратиладиган маблағлар доирасида АТ «Халқ банки» томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

46. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун назарда тутилган бюджет маблағлари туманлар (шаҳарлар) ўртасида ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилалар сони ҳамда туман(шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврлар учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда тақсимланади.

47. Жорий ой мобайнида олувчилар томонидан талаб қилинмаган ва АТ «Халқ банки»нинг бўлимлари (филиаллари)нинг махсус ҳисобварақларидаги маблағлар ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ келгусида тўлаш учун тегишли маҳаллий бюджет ҳисобига қайтарилиши керак.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

48. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига тегишли ахборот автоматлаштирилган режимда фақат «Ягона реестр» АТдан олиннадиган ва таҳлил қилинадиган махфий ахборот ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

49. Ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат департаменти ва Пенсия жамғармасининг ички аудит хизмати томонидан назорат қилинади.

50. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими билан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёнида техник носозликлар ва узилишлар юзага келган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги алоҳида ахборот тизимларидаги маълумот алмашинувини тегишли тизимлар тўлақонли қайта ишга тушгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш ҳамда оиланинг кам таъминланганлигини автоматик тарзда аниқлаш алгоритмига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

51. Қуйидагилар учун:

оила таркиби, яшаш жойининг ўзгариши ва оиланинг чорва моллари ва паррандалари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги ва ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан Пенсия жамғармаси бўлимини ўз вақтида хабардор қилиш бўйича — ариза берувчига;

АТ «Халқ банки»нинг махсус ҳисобварақларига бюджет маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш бўйича — туман (шаҳар) молия бўлими раҳбарига;

болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш бўйича аризаларни «Ягона реестр» АТга белгиланган тартибда ва ўз вақтида киритиш бўйича — Пенсия жамғармаси бўлими раҳбарига;

махсус ҳисобварақлардаги маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳамда олувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган маблағларни тегишли маҳаллий бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш бўйича — туман (шаҳар) АТ «Халқ банки» бўлими раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

627 Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорига мувофиқ, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш механизмлари ҳамда таълим муассасаларининг асосий мақсади ва вазифалари;

мутахассис кадрларни тайёрлаш тартиби, таълим муассасалари курсантлари, тингловчилари ҳамда раҳбар ва ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

таълим муассасаларининг молиявий, мулкӣ ҳамда халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 октябрда эълон қилинган.

2. Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

ўз тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаси фаолияти мунтазам назорат қилинишини таъминласин, уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 октябрь,
655-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 октябрдаги 655-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг мақсади ва асосий вазифаларини, таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, таълим тизимини бошқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим муассасалари) — хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида таълим олувчиларни ихтисослик (мутахассислик) фанларига касбий йўналтириш ҳамда мақсадли тайёрлашни назарда тутадиган, давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастур-

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари талабларига мувофиқ равишда ўқув-тарбия жараёнини амалга оширадиган олий ихтисослаштирилган таълим муассасалари;

курсант — таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналиши кундузги таълим шаклига белгиланган тартибда ўқишга қабул қилинган шахс;

тингловчи — таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишининг сиртки таълим шаклига ва магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган шахс;

ходим — Ўзбекистон Республикасида мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар;

олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларини бошқариш ваколатига эга давлат органи (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органи) — тизимида олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идора;

қўшма таълим дастурлари — таълим муассасалари ва хорижий ҳамкор олий таълим муассасаси ўртасида имзоланган меморандум, баённома, шартнома (келишув)га мувофиқ кадрлар тайёрланадиган ва битирувчиларига икки томоннинг дипломи бериладиган таълим шакли.

3. Таълим муассасалари олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахс бўлиб, мазкур Низом ва ўз устави асосида фаолият юритади.

4. Таълим муассасалари филиалларида таълим жараёни таълим муассасасининг хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Филиал раҳбари таълим муассасаси бошлигининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Таълим муассасаларига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Бутлаш режасига ёки тўлов-шартнома асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Курсантлар таълим муассасалари хусусиятидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналиши кундузги таълим шаклига қабул қилингандан сўнг бир ойдан кам бўлмаган муддатда «Бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари»да иштирок этади ҳамда «Ватанга қасамёд»ни, қоида тариқасида, Мустақиллик байрами арафасида қабул қилади.

7. Курсантлар биринчи босқич таълим муддати яқунланганидан сўнг муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳисобланади ва уларга таълим муассасаси жойлашган ердаги мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади.

2-боб. Таълим муассасаларининг мақсади ва асосий вазифалари

8. Таълим олувчиларни мутахассислик фанлари бўйича чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, уларнинг интеллектуал жиҳат-

дан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш ҳамда уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

9. Қуйидагилар таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ўқитиш сифатини таъминлаш;

таълим тизимида кадрларни мақсадли касбий тайёрлаш ҳамда жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашни чуқурлаштирилган ҳолда амалга ошириш;

ўқув жараёнини (жумладан, амалиёт, стажировка) кадрлар буюртмачиларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

олий малакали мутахассислар, шунингдек, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

илм-фан, техника, технологиялар, иқтисодиётнинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисодиёти ва маданиятининг ижтимоий истиқболини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш усулларини тизимли такомиллаштириш;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда юксак маънавий, ахлоқий, инсонпарварлик руҳиятини ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, Ватанга, жамиятга, оилага ва атроф муҳитга муҳаббатни сингдириш;

ўқитишнинг интерфаол усулларини, инновацион педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини, мустақил таълим олиш, масофавий таълим тизимини амалиётга жорий қилиш;

олий таълимда фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, битирувчиларни касбга йўналтириш ҳамда хизмат фаолияти мониторингини амалга ошириш;

олий таълим соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

3-боб. Таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш

10. Таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича амалга оширилади.

11. Ваколатли давлат органи Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқиб бакалавриатнинг янги таълим йўналиши ва магистратуранинг янги мутахассислигини очиш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

12. Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаш-

тирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

13. Бакалаврият таълим йўналишида ўқитиш кундузги, масофавий ва сиртки (махсус сиртки) таълим шаклларида амалга оширилади.

14. Бакалаврият таълим йўналишининг кундузги таълим шаклида ўқиш камида уч йил давом этади. Бакалавриятда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (масофавий), сиртки таълим жараёнининг давом этиш муддати олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун камида тўрт йил, олий маълумотга эга ходимлар учун уч йил этиб белгиланади.

15. Бакалаврнинг касбий фаолият соҳаси ва тури, билим, малака ҳамда кўникмасига қўйиладиган талаблар, шунингдек, фан дастурларининг тузилиши ва таркиби, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда таълим сифатини назорат қилиш муайян таълим йўналишининг малака талаблари орқали белгиланади.

16. Магистратура тегишли бакалаврият негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

17. Магистратура мутахассисликларида ўқитиш кундузги ёки масофавий таълим шаклида амалга оширилади. Таълим муассасалари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида бошқарув соҳасига мутахассис кадрларни мақсадли тайёрлаш учун икки босқичли (икки йиллик) магистратурани ташкил этиши мумкин.

18. Икки босқичли бошқарув магистратурасининг дипломларига эга бўлган битирувчиларига илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳамда мазкур Низомнинг 48-бандида келтирилган лавозимларда ишлаш имконияти берилади.

19. Магистрнинг касбий фаолият соҳаси ва тури, билим, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар, шунингдек, ўқув дастурларининг тузилиши ва таркиби, уни амалга ошириш механизмлари ва таълим сифатини назорат қилиш муайян магистратура мутахассислигининг малака талаблари орқали белгиланади.

20. Таълим муассасалари битирувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг «Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 19 июлдаги 607-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги дипломлар берилади.

21. Таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини тамомлаётган битирувчиларига диплом билан бирга ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган намунадаги кўкрак нишони берилади.

22. Таълим муассасаларида белгиланган тартибда факультет, кафедра, марказ, ўқув ва илмий лаборатория, технопарк ҳамда бошқа таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

23. Таълим муассасаларининг таълим жараёни билан боғлиқ таркибий бўлинмалари фаолияти ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

24. Таълим муассасаларини давлат таълим стандартларига ва ўқув дастурларига мувофиқлиги жиҳатидан аттестациядан ҳамда давлат аккредита-

циясидан ўтказиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

25. Олий таълим соҳасидаги таълим хизматлари таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда асосий ўқув дастурларида назарда тутилмаган йўналишлар ва курслар бўйича тўлов-шартнома асосида, асосий ўқув дастурлари бажарилишига тўсқинлик қилинмаган ҳолда олиб борилиши мумкин.

4-боб. Таълим жараёнини ташкил этиш

26. Таълим жараёнини ташкил этишда кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга ҳамда жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашни чуқурлаштирилган ҳолда, шунингдек, касбий тайёрлашда мутахассислик ва юридик фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилади.

27. Таълим муассасаларида таълим жараёни давлат таълим стандартлари, шунингдек, тегишли тартибда тасдиқланадиган малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ташкил этилади.

28. Таълим муассасаларида ўқув машғулотларининг маъруза, семинар, амалий машғулот, яқка тартибдаги ўқув машғулоти, лаборатория иши, коллоквиум, курс иши (лойиҳа), маслаҳат, мустақил таълим, мустақил иш, амалиёт, стажировка, бакалаврлар учун битирув малакавий иши, магистрлар учун магистрлик диссертацияси ва бошқа турлари жорий қилинади.

29. Ўқув жараёни самарадорлигини таъминлайдиган модулли ёки бошқа муқобил шакллар қўлланилиши мумкин ва бу тизим ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

30. Ўқув машғулотлари ўқув режасига мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади.

31. Таълим муассасаларида ўқув йили, одатда, таълим олувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш учун ўтказиладиган якуний баҳолаш билан тугайдиган икки семестрга бўлинади.

32. Таълим муассасаларида таълим олувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширилади.

33. Таълим олувчиларни курсдан курсга ўтказиш таълим муассасаси ўқув бўлими (ўқув-методик бошқарма), факультет ёки магистратура бўлими тавсиясига биноан таълим муассасалари бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади.

34. Олий таълимнинг ўқув режаси ва дастурларини ўзлаштириш битирувчиларнинг мажбурий якуний давлат аттестацияси билан тугалланади.

35. Амалиёт ва стажировканинг барча турлари тегишли вазирлик ва идораларда, ўқув режаларига ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган таълим муассасалари таълим олувчиларининг амалиёти ва стажировкаси ҳақидаги низомга мувофиқ ўтказилади.

36. Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси ўқув-илмий, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплексларини яратиш йўли билан, шунингдек, етакчи олимлар ва ишлаб чиқариш мутахассисларини ўқув жараёни ва илмий тадқиқотларга жалб этиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ илмий-тадқиқот муассасаларида, бошқа ташкилотларда олий таълим муассасалари марказлари, лабораториялари ва кафедралари филиалларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

5-боб. Таълим муассасаларининг таълим олувчилари

37. Таълим муассасаларининг таълим олувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фан, техника ва замонавий технологиялар, иқтисодиёт ва маданият ривожланишининг ҳозирги замон даражасига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаси ва дастурларини янада такомиллаштириш юзасидан таълим муассасаси раҳбариятига таклиф бериш;

таълим муассасалари фаолияти бўйича муҳим масалалар муҳокамасида қатнашиш;

ахборот-ресурс маркази, ўқув, илмий, даволаш ва бошқа бўлинмалар хизматидан таълим муассасаси уставида белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, анжуманларда, симпозиумларда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот йўналишида тайёрлаган ишларини нашрга тақдим этиш; белгиланган тартибда илмий ва ижодий тўғаракларда қўшимча таълим олиш.

38. Таълим олувчилар таълим дастурларида белгиланган билимларни олишлари, ўқув режасида тавсия этилган асосий ва қўшимча фанлар ҳамда танлов фанларини ўзлаштириши, ўқув режасида назарда тутилган барча турдаги машғулотларда берилган топшириқларни белгиланган муддатда бажаришлари, таълим муассасаси уставига, ички тартиб ва таълим олувчилар турар жойлари қоидаларига риоя қилишлари шарт.

39. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган таълим олувчилар олий ихтисослаштирилган таълим муассасаларини бошқариш ваколатига эга давлат органлари томонидан уларнинг тегишли тоифалари учун назарда тутилган пул таъминоти, имтиёзлар, буюмлар ва озик-овқат таъминоти ҳамда бошқа зарур нормалар билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланади.

40. Давлат стипендияларига сазовор бўлган таълим олувчилар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат стипендияларини олишга ҳақли.

41. Таълим олиш даврида ҳомиладорлик, туғиш ва бола парваришlash билан боғлиқ таътил учун таълим олувчиларга қонунчилик ҳужжатларига асосан академик таътил берилади.

42. Курсант ва тингловчиларнинг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш ҳамда ўқув режаси талабларини бажара олмаган таълим олувчиларга академик қарздорликларни бартараф этиш имконини бериш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

43. Таълим муассасасининг устави, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидаларини бузган таълим олувчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган интизомий чоралар кўрилади.

44. Академик таътил берилган таълим олувчилар таътил даврида таълим олувчилар сафидан четлаштирилиши мумкин эмас.

45. Хизматдан ажралмаган ҳолда сиртқи таълим шаклида таълим олаётган тингловчиларга уларнинг асосий хизмат жойидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар берилади.

6-боб. Таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари

46. Таълим муассасаларида раҳбарлар, илмий-педагог ходимлар (профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар), техник-муҳандислик, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа тоифадаги ходимлар фаолият олиб боради.

47. Таълим муассасасида педагогик фаолиятни амалга оширувчиларга кафедра бошлиғи, кафедра бошлиғининг ўринбосари, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқитувчи-методист (катта ўқитувчи-методист) лавозимида ишлаётган шахслар қиради.

48. Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Магистратурани тамомлаган шахсларга ўз мутахассислиги бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг ихтисослаштирилган кафедралари профессор-ўқитувчилар лавозимларига тегишли соҳада камида 3 йиллик амалий хизмат стажига ёхуд тегишли мутахассислик бўйича илмий даражага эга шахслар тайинланади.

Тегишли соҳаларда илмий, педагогик ёки амалий тажрибага эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи таркиби лавозимларига тайинланишлари мумкин.

49. Суд қарорига мувофиқ бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинганларга олий таълим муассасасида педагогик фаолият олиб боришга рухсат берилмайди.

50. Таълим муассасалари тегишли тармоқларнинг, фан ва ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларнинг етакчи мутахассисларини педагогик фаолиятга жалб этиши мумкин.

51. Педагог ходимларни таълим муассасаларига ишга қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

52. Педагог кадрларнинг ўқув юкламаси эгаллаб турган лавозимида кўра кўрсатилган иш турларини бажариш заруратидан келиб чиқиб, факультет

(кафедра) бошлиғи берган таклифга асосан, таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

53. Таълим муассасаси педагог ходимларининг ўқув юкларига ҳамда ўқув-методик, илмий-тадқиқот, «Устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидалари ваколатли давлат органи ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

54. Таълим муассасалари педагог ходимлар таркиби лавозимларига қўйиладиган талаблар ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

55. Таълим муассасаларининг педагог ходимлари қўйидаги ҳуқуқларга эга: қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда меҳнат ҳақи ва моддий рағбатлантириш тўловларини олиш;

таълим муассасаси кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

таълим муассасаси фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокамасида ва қарор қабул қилишда иштирок этиш;

ахборот-ресурс марказлари, ўқув ва илмий бўлинмалар, шунингдек, ижтимоий-маиший, даволаш ва бошқа бўлинмалар хизматидан таълим муассасаси уставига ҳамда жамоа шартномасига мувофиқ бепул фойдаланиш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини давлат таълим стандартларига мувофиқ шакллантиришда иштирок этиш;

индивидуаллик хусусиятларига тўлақонли жавоб берадиган ва юқори сифатли ўқув-тарбиявий жараённи таъминлайдиган ўқитишнинг усул ва воситаларини танлаш;

таълим муассасаси раҳбарияти буйруқлари ва қарорларидан норози бўлганда, қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят аризасини (билдиргисини) бериш;

ўз касбий фаолиятининг ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминланишини талаб этиш.

Педагог ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

56. Таълим муассасалари педагог ходимларининг мажбуриятлари:

дарс бераётган фанлари орқали таълим олувчиларда танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича тайёргарликнинг профессионал сифатларини шакллантириш;

таълим олувчиларда юксак маънавият ва маданиятни, Ватанга, табиатга ва ўз касбига муҳаббатни, ватанпарварликни фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш;

ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларининг юқори самарадорлигини таъминлаш;

таълим муассасаси уставига қатъий риоя қилиш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодий қобилиятни ривожлантириш.

Педагог ходимларнинг зиммасида қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, таълим олувчи ва таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

57. Таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари касбий билими, педа-

гогик маҳорати ва кўникмаларини ошириш мақсадида республика ёки хорижий таълим муассасаларида белгиланган тартибда стажировка ўташи ва малака ошириш курсларида қатнашиши мумкин.

58. Таълим муассасаси илмий ходимлари илмий тадқиқот ўтказишнинг хавфсизлик чораларига жавоб берадиган, уларнинг индивидуал қобилиятларига мос ва илмий тадқиқот жараёнининг юқори сифатини таъминлайдиган усуллар ва воситаларни танлашга ҳақли.

59. Юқори малакали илмий-педагог ходимларни тайёрлаш олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таянч докторантура ва докторантура шаклида амалга оширилади.

60. Таълим муассасасининг раҳбарлари, маъмурий-хўжалик, техник-муҳандислик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Таълим тизимини бошқариш

61. Таълим муассасасининг бевосита бошқаруви таълим муассасаси бошлиғи томонидан амалга оширилади. Таълим муассасасининг бошлиғи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

62. Таълим муассасасининг иш натижалари учун тўлиқ жавобгарлик таълим муассасаси бошлиғи зиммасига юкланади. У қонунчилик ҳужжатларига ва таълим муассасасининг уставига мувофиқ таълим муассасаси номидан фаолият юритади, белгиланган тартибда мол-мулкка эгалик қилади, шартномалар тузади, ишончномаларни тақдим этади, банкда таълим муассасасининг ҳисоб varaғини очади.

63. Таълим муассасасининг бошлиғи қуйидаги ваколатларга эга:

ўринбосарлари, бошқарма, факультет ва бошқа бўлимларнинг аниқ вазибалари, мажбуриятларини ва масъулиятини белгилаш;

таълим муассасаси ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва таълим олувчилар бажариши мажбурий бўлган буйруқ, фармойиш чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида ишчи ва хизматчилар ҳамда илмий-педагог ходимларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

таълим муассасаси таркибига кирувчи илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ва бошқа ташкилотлар ҳамда бўлимларнинг ваколатларини аниқлаб бериш ва улар тўғрисидаги низом (йўриқнома)ларни тасдиқлаш;

таълим муассасаси ходимларини ўз ваколатлари доирасида рағбатлантириш;

касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш.

Таълим муассасасининг бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

64. Таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун Таълим муассасасининг кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил қилинади.

65. Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, уни шакллантириш тартиби ва фаолияти ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

66. Таълим муассасаси бошлиғи ўринбосарлари (филиали бошлиғи) таълим муассасаси бошлиғининг тавсиясига асосан ваколатли давлат органи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

67. Таълим муассасасида жамоатчилик бошқарув органи бўлган Васийлик кенгаши ташкил этилиши мумкин. Бунда, қоида тариқасида, унинг таркибига муассис(лар), маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, соҳа вазирилик ва идоралари, муассаса ва ташкилотлар, бошқа таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, фондлар ва ҳомийларнинг вакиллари киритилади.

68. Таълим муассасалари уни бошқариш ваколатига эга давлат органи тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат, ҳарбий ва идоравий академик лицейларнинг фаолиятига ўқув-методик раҳбарлик қилади.

69. Таълим муассасаси уставига мувофиқ ўзида илмий даражалар берувчи илмий, методик, илмий-техник, фахрийлар, хотин-қизлар, ёш олимлар кенгашлари ва бошқа кенгашларни ташкил қилиши мумкин.

8-боб. Таълим муассасалари мулки

70. Таълим муассасаларининг мулки давлат мулки ҳисобланади.

Таълим муассасасининг мулки асосий фондлар ва айланма маблағларни, шунингдек, ўз уставида белгиланган фаолиятни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа асосий воситаларни ўз ичига олади.

71. Таълим муассасаси ҳомийлик хайриялари тарзида ўтказилган пул маблағлари ва мулкдан, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро ташкилотлар, молиявий муассасалар ҳамда тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад, шу билан бирга, хўжалик ҳисобидаги мулкдан фойдаланишдан тушган маблағларни мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

9-боб. Маблағ ажратиш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот бериш

72. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан фаолиятини амалга оширади.

Шартнома асосида олинган маблағлардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мақсадларга мувофиқ фойдаланилади.

73. Таълим муассасаси белгиланган тартибда хўжалик-молиявий фаолиятининг статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиб боради.

74. Таълим муассасасида бюджет ва молиявий интизом устидан назорат бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-боб. Халқаро ҳамкорлик

75. Таълим муассасалари хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тузилган икки ва кўп томонлама шартномалар асосида қуйидаги йўналишларда халқаро ҳамкорликни амалга оширади:

таълим олувчилар, таянч докторантлар, докторантлар, педагог ҳамда илмий ходимларни алмашиш дастурларини амалга ошириш;

қўшма фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш, конгресслар, анжуманлар, симпозиумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

олий таълимни такомиллаштириш бўйича халқаро дастурларда иштирок этиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўшма олий таълим муассасаларини ташкил этиш.

76. Чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасида ўқитиш, стажировка ва малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатларда педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давлатлараро ва идоралараро тузилган шартномалар доирасида, таълим муассасаси томонидан имзоланган шартномалар асосида амалга оширилади.

77. Хорижий олий таълим муассасаларида қисқа муддатли (бир ҳафтадан олти ойгача) ўқишга, стажировкага бориб келган таълим олувчиларнинг ўқишни давом эттириши (фарқларни топшириши) тартиби таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларида белгиланади ва таълим муассасаси бошлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

11-боб. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш

78. Қўшма таълим дастурлари асосида таълим олувчиларни ўқитишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаси ва хорижий турдош олий таълим муассасаси ўртасида имзоланган меморандум (баённома, келишув), шунингдек, мазкур меморандум асосида қўшма таълим дастурини ташкил этиш бўйича шартнома (келишув)га мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

79. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқишга қабул қилиш шартлари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тасдиқлаш хорижий турдош ҳамкор олий таълим муассасалари, ваколатли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

12-боб. Яқунловчи қоидалар

80. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

81. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

628 Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6 ва 136-сон қарори (рўйхат рақами 3181, 2019 йил 13 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 19/19/3181/3738-сон) билан тасдиқланган Давлат хизматлари ягона реестрига иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 октябрь,
2-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 октябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 октябрь,
218-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

629 **Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3326

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни
қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 октябрь,
38-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 октябрь,
33-2021-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 октябрь,
65-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлигининг 2021 йил
18 октябрдаги 38-сон, Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 2021 йил 13 октябрдаги
33-2021-сон, Молия вазирлигининг 2021 йил
16 октябрдаги 65-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий
олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда
нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси
параметрларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси (кейинги ўринлар-

да — давлат буюртмаси) параметрларини шакллантириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

давлат буюртмаси — вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантириладиган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиш харажатлари тўлиқ қоплаб бериладиган олий маълумотли кадрларга бўлган буюртмалар портфели;

таълим ташкилоти — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан олий таълим ташкилотлари реестрига киритилган, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотлари;

талабгор — таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган ва ўқишни тамомлагандан сўнг кадрлар буюртмачиси тизи-мида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган талаба;

кадрлар буюртмачилари — олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлашга буюртмалар берувчи ва келгусида ушбу кадрларни иш билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

2-боб. Давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш ва шартнома тузиш

2. Кадрлар буюртмачилари ўзларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили 15 январга қадар ўз тизимлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмаларни таълим ташкилотлари ва йўналишлари кесимида шакллантиради ҳамда 20 январга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этади.

3. Тақдим этилган буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан таҳлил қилиниб, умумлаштирилади ҳамда кадрлар буюртмачилари, таълим ташкилотлари ва йўналишлари кесимида тақсимлаган ҳолда давлат буюртмаси шакллантирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги шакллантирилган давлат буюртмаси параметрларини 30 майга қадар ўрганиб чиқиш ва келгусида тасдиқланиши учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига киритади.

5. Таълим ташкилоти кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилингандан кейин 20 кун муддатда тасдиқланган давлат буюртмаси доирасида кадрлар тайёрлаш учун кадрлар буюртмачиларига талабгорларни саралаш ва шартнома тузиш ҳақида ёзма хабар беради.

6. Таълим ташкилоти Кадрлар буюртмачилари томонидан тақдим этилган буюртма доирасида кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаганларга ўқишни тамомлагандан сўнг кадрлар буюртмачиси тизимида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш шарти билан ўқитиш харажатларини қоплаб берилишини таклиф қилади. Бунда, энг юқори балл тўплаган шахс томонидан ушбу таклиф рад этилган тақдирда, таклиф рўйхат бўйича кейинги ўриндаги шахсга берилади.

Абитуриентларнинг кириш имтиҳонларида тўплаган баллари рейтинг бўйича эълон қилинмайдиган таълим ташкилотларида талабгорларни саралаш таълим ташкилотининг тавсиясига кўра амалга оширилади. Бунда, талабгорни саралаш билан боғлиқ жараён учун таълим ташкилоти масъул ҳисобланади.

7. Таклифга розилик билдирган талабгорлар ҳақидаги маълумотлар таълим ташкилоти томонидан кадрлар буюртмачисига тақдим этилади.

8. Кадрлар буюртмачиси талабгорлар рўйхатини ўрганиб чиқиб, улар билан суҳбат ўтказиши мумкин.

9. Ўқишни тамомлагандан сўнг 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш истагини билдирган талабгор билан кадрлар буюртмачиси, талабгор ва таълим ташкилоти ўртасида уч томонлама шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузилади.

10. Шартномада кадрлар буюртмачиси, таълим ташкилоти ва талабгорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда томонлар учун жавобгарлик назарда тутилиши лозим.

3-боб. Давлат буюртмасини молиялаштириш

11. Талабгорларни ўқитиш харажатлари учун маблағлар кадрлар буюртмачиларига ҳар йили Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан кадрлар буюртмачисига давлат буюртмаси асосида ажратилган маблағлар Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган алоҳида шахсий ҳисоб варағида кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан кадрлар буюртмачисига давлат буюртмаси асосида ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва унга ўзгартиришлар киритиш бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, кадрлар буюртмачилари этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилан-

ган такдирда ушбу буюртмаларни қоплаш харажатларини молиялаштириш тегишли бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Талабгорнинг кадрлар буюртмачиси тизимида ишлашни ташкил этиш

12. Таълим ташкилоти талабгорнинг ўқиши тамомланган кундан бошлаб 10 кундан кўп бўлмаган муддатда унинг ўқишни тамомлаганлиги тўғрисида кадрлар буюртмачисига ёзма шаклда хабар беради.

13. Кадрлар буюртмачисининг ёзма розилиги асосида талабгор ўз ҳисобидан ўқишни магистратура босқичида давом эттириши мумкин. Бунда, талабгорнинг кадрлар буюртмачиси тизимида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш мажбурияти, у магистратура босқичини тамомлаганидан кейин юзага келади.

14. Кадрлар буюртмачиси томонидан талабгорнинг иш ҳақидан уни ўқитиш учун сарфланган харажатларни қоплаш учун маблағлар ушлаб қолишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Яқуний қоида

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

630 «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2833-1*

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 30 сентябрдаги 22-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 41-сон, 481-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банки, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 июль,
52-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2021 йил 30 июль

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2021 йил 26 июль

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 1 июль

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2021 йил 2 июль

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2021 йил 18 июль

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2021 йил 2 июль

*Фавқулодда
вазиятлар вазири*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2021 йил 17 июль

*Инвестициялар ва ташқи
савдо вазирининг
биринчи ўринбосари*

А. ВОИТОВ

2021 йил 27 июль

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2021 йил 16 июль

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

2021 йил 30 июнь

Ш. ШАРАХМЕТОВ

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

2021 йил 3 июль

Ш. КУДБИЕВ

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

2021 йил 16 июль

М. АЗИМОВ

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

2021 йил 2 июль

Б. БЕГАЛОВ

*Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитаси раиси*

2021 йил 30 июнь

Б. ГУЛЯМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

631 Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3327*

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ **бюроман:**

1. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 июль,
53-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг 2021 йил 30 июлдаги
53-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республи-

каси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг (бундан буён матнда БМТ Хавфсизлик Кенгаши деб юритилади) тегишли резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари — БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва унинг қўмиталари томонидан тузиладиган, шу жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ИШИД (ДАИШ) ва «Ал-Қоида» бўйича 1267, 1989 ва 2253-резолюциялари асосида ташкил этилган қўмитанинг ҳамда «Толибон» ташкилоти бўйича 1988 ва Корея Халқ Демократик Республикаси бўйича 1718-резолюциялари асосида ташкил этилган қўмиталарнинг террорчилик фаолиятига ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишга алоқадор бўлган шахсларга нисбатан санкциялар қўлланилиши белгиланган жисмоний ва юридик шахслар рўйхатлари;

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари — БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган терроризмга қарши курашишга қаратилган резолюциялар (1267 (1999), 1333 (2000), 1363 (2001), 1373 (2001), 1390 (2002), 1452 (2002), 1455 (2003), 1526 (2004), 1617 (2005), 1730 (2006), 1735 (2006), 1822 (2008), 1904 (2009), 1988 (2011), 1989 (2011), 2161 (2014), 2170 (2014), 2178 (2014), 2253 (2015), 2368 (2017) ва уларни ривожлантиришга қаратилган резолюциялар) ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишга қаратилган резолюциялар (1718 (2006), 1737 (2006), 1747 (2007), 1803 (2008), 1874 (2009), 1929 (2010), 2087 (2013), 2094 (2013), 2231 (2015), 2270 (2016), 2321 (2016), 2356 (2017), 2371 (2017), 2375 (2017), 2397 (2017) ва уларни ривожлантиришга қаратилган резолюциялар);

махсус ваколатли давлат органи — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича белгиланадиган давлат органи.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари, чет эл фуқаролари ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларга ҳамда уларнинг топшириғига кўра ҳаракат қилаётган шахсларга, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахсга бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки бошқа мол-

мулкни такдим этиши, молиявий ва бошқа хизматлар кўрсатиши ёки бундай хизматлардан фойдаланишга рухсат бериши тақиқланади.

3. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

операция иштирокчиларини террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахслар билан солиштириши;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриши, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиши, шунингдек шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар юбориши шарт.

2-боб. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатини шакллантириш ва уларни рўйхатдан чиқариш тартиби

1-§. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатини шакллантириш тартиби

4. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан такдим этиладиган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органларидан ҳамда халқаро ташкилотлардан расмий каналлар орқали олинган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади. Рўйхат ва унинг шакли махсус ваколатли давлат органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

5. Рўйхат қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари ва хорижий давлатларнинг ваколатли органларининг маълумотлари асосида тузиладиган миллий рўйхат;

халқаро ташкилотлардан олинadиган маълумотлар асосида тузиладиган халқаро рўйхат.

6. Шахсни Рўйхатга киритиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси судининг террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсни айбдор деб топиш ҳақидаги қонуний кучга кирган ҳукми;

б) Ўзбекистон Республикаси судининг ташкилотни террорчилик ташкилоти деб топиш ва уни тугатиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори;

в) терговчи ёки прокурорнинг террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарори;

г) террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсга нисбатан қидирув, шу жумладан давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилиниши;

д) жисмоний шахс ёки ташкилот БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёхуд унинг тегишли резолюцияларига киритилиши;

е) Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро шартномалар ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатларнинг террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатлари;

ж) Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро шартномалар ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлат судининг шахсни террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги қонуний кучга кирган ҳукми, шунингдек ташкилотни террорчилик ташкилоти деб топиш ва уни тугатиш ёки фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори;

з) Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро шартномалар ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатлар ваколатли органларининг террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги сўровлари.

7. Рўйхатни шакллантириш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотларни, улар олинган пайдан бошлаб ёки шахсни Рўйхатга киритиш учун асослар юзага келган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилинган ҳолда махсус ваколатли давлат органига тақдим этадилар.

Маълумотлар қоғоз ёки электрон кўринишдаги ҳужжат сифатида расмийлаштирилади ҳамда махсус ваколатли давлат органига шахсан ёки махсус мўлжалланган почта алоқаси ёхуд ҳимояланган алоқа каналлари орқали тақдим этилади.

8. Махсус ваколатли давлат органи томонидан ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ҳам олинади.

9. Махсус ваколатли давлат органи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёки тегишли резолюцияларига киритилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий веб-сайтдан олади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ва тегишли резолюцияларига асосан шахсларни Рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш махсус ваколатли давлат органининг қарори билан тасдиқланмайди.

10. Рўйхатга киритиладиган шахсларни идентификация (верификация) қилиш учун махсус ваколатли давлат органига Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан қуйидаги маълумотлар тақдим қилинади:

а) тақдим қилиниши шарт бўлган маълумотлар:

юридик шахсга нисбатан — номи ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

жисмоний шахсга нисбатан — фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (кун, ой, йил) ва жойи, паспорти (идентификация ID картаси) ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг реквизитлари, яшаш жойи (рўйхатдан ўтиш) манзили ёки туриш жойи;

б) қўшимча маълумотлар, агарда мавжуд бўлса:

юридик шахсга нисбатан — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолият тури, юридик манзили, раҳбар ва таъсисчилари (мулкдорлар) тўғрисидаги (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзили) маълумот, банклардаги ҳисоб рақамлари ва мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар;

жисмоний шахсга нисбатан — жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ЖШШИР), иш жойи ва лавозими тўғрисидаги маълумотлар, агарда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсатаётган бўлса, давлат рўйхатидан ўтган гувоҳномасининг рақами ва фаолият тури.

11. Агарда олинган маълумотлар тўлиқ бўлмаса ёки ноаниқ бўлса махсус ваколатли давлат органи қўшимча маълумот олиш учун маълумотлар базаларидан фойдаланади ёки Ўзбекистон Республикасининг тегишли ваколатли органларига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари сўровни олган кундан уч иш куни давомида қўшимча маълумотларни тақдим этадилар, бундан уларни тақдим этиш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ёки халқаро ташкилотларга мурожаат қилиш зарур бўлган ҳолатлар мустасно.

12. Шахсларни Рўйхатга киритишда қўшимча маълумот олиш зарурияти бўлса, махсус ваколатли давлат органи ушбу масала ҳал этилгунга қадар мазкур шахсларнинг операцияларини 30 иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиши мумкин.

13. Махсус ваколатли давлат органи қуйидаги муддатларда Рўйхатни шакллантиради ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади:

маълумотлар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий веб-сайтидан олинган вақтдан бошлаб бир соат ичида;

маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларидан ёки хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан келиб тушган ёхуд «Электрон жинорий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимидан олинган вақтдан бошлаб дарҳол, бироқ иш куни тугамасдан.

2-§. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни Рўйхатдан чиқариш тартиби

14. Шахсларни Рўйхатдан чиқариш БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёки тегишли резолюцияларидан чиқарилиши тўғрисида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий веб-сайтидан олинган маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари, хорижий давлатлар ваколатли органларининг мурожаатлари, «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимидан олинган маълумотлар ҳамда Рўйхатга киритиш учун асос бўлган маълумотларни текшириш натижалари бўйича ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Шахсни Рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги мурожаат махсус ваколатли давлат органига Рўйхатдан чиқариш учун асос бўлувчи маълумотлар олинган ёки аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан юборилади.

15. Шахсларни Рўйхатдан чиқариш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси судининг террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этишда айбланган (судланган) шахсга нисбатан чиқарилган қонуний кучга кирган оқлов ҳукми;

б) Ўзбекистон Республикаси судининг ташкилотни террорчилик ташкилоти деб топиш ва уни тугатиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори;

в) террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахс тайинланган жазо муддатини ўтаб бўлиши;

г) террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси ҳамда 84-моддаси биринчи қисми 1 — 3-бандларида назарда тутилган асосларга кўра жиноят иши тугатилиши;

д) жисмоний шахс ёки ташкилот БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёхуд тегишли резолюцияларидан чиқарилиши;

е) шахсни Рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги хорижий давлат ваколатли органининг расмий хабари;

ж) хорижий давлат судининг террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиш билан боғлиқ жиноятни содир этишда судланган шахсга нисбатан чиқарилган қонуний кучга кирган оқлов ҳукми, шунингдек ташкилотни террорчилик ташкилоти деб топиш ва уни тугатиш ёки фаолиятини тақиқлаш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори;

з) хорижий давлат ваколатли органининг террорчилик фаолиятида ёки

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги сўрови чақириб олиниши ёки бекор қилиниши;

и) шахснинг вафот этганлик ҳолатини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар.

16. Рўйхатни доимий равишда янгилаб бориш мақсадида махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда шахсни Рўйхатга киритиш учун асос бўлган маълумотларни ҳар йили камида бир мартаба текшириб (солиштириб) боради.

3-§. Шахсларни Рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш тартиби

17. Жисмоний ёки юридик шахс Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг маълумотлари асосида Рўйхатга адашиб киритилганлиги ёки ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган асосларга кўра Рўйхатдан чиқарилмаганлик ҳолатлари бўйича махсус ваколатли давлат органига асослантирилган ариза билан мурожаат қилади.

18. Махсус ваколатли давлат органи аризани ўзи кўриб чиқади ёки аризани олган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан шахсни Рўйхатга киритиш учун маълумоти асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли ваколатли органига уни кўриб чиқиш учун юборади.

Аризани қабул қилган орган уни етти иш куни давомида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади (бундан қарор қабул қилиш учун хорижий давлатлар ваколатли органларига ёхуд халқаро ташкилотларга сўровлар юбориш зарур бўлган ҳолатлар мустасно):

шахсни Рўйхатдан чиқариш тўғрисида таклиф киритиш ҳақида;

аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

19. Махсус ваколатли давлат органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органининг жавоб хатини олган кундан икки иш кунидан кечиктирмасдан қабул қилинган қарор ҳақида аризачини хабардор қилади.

20. Жисмоний ёки юридик шахс аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

21. Жисмоний ёки юридик шахс хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан ёки халқаро ташкилотлардан олинадиган маълумотлар асосида Рўйхатга киритилиши устидан қўйидаги ташкилот ва органларга шикоят қилишга ҳақли:

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёки тегишли резолюцияларига асосан киритилганлик ҳолат бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1730 (2006) резолюциясига асосан тузилган Алоқа марказига ёки БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1904 (2009) резолюциясига асосан таъсис этилган Омбудсман Девонхонасига;

хорижий давлатнинг террорчилик фаолиятида ёки оммавий қиргин куролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатлари асосида Рўйхатга киритилган ҳолат бўйича хорижий давлатнинг ваколатли органига;

шахсни Рўйхатга киритиш учун асос бўлган хорижий давлат судининг ҳукми ёки қарори устидан юқори турувчи судига;

шахсни Рўйхатга киритиш учун асос бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисида сўровни юборган хорижий давлатнинг ваколатли органига.

3-боб. Рўйхатни пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга етказиш тартиби

22. Махсус ваколатли давлат органи Рўйхатни шакллантирган ёки унга тегишли ўзгартиришлар киритгандан сўнг бир соат ичида ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ёки электрон алоқа каналлари орқали юбориш йўли билан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга етказди.

Шунингдек, махсус ваколатли давлат органи Рўйхатни бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали етказди.

23. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар Рўйхат махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида янгиланганлигини ёки электрон алоқа канали орқали келиб тушганлигини кузатиб боришлари ҳамда мазкур жараёнга масъул бўлган ходимни (тармоқни) белгилашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг масъул ходими (тармоғи) Рўйхат махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ёки электрон алоқа каналлари орқали келиб тушган пайдан бошлаб уч соат ичида Рўйхатни ушбу ташкилотнинг тегишли ходимларига (тармоқларига), шу жумладан мижозлар билан бевосита ишлайдиган ходимларга (тармоқларга) юборилишини ва (ёки) ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

4-боб. Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тартиби

24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари ва мижозларнинг бенефициар мулкдорларини Рўйхат билан солиштиришлари, шунингдек ишга солмай тўхтатиб қўйилиши лозим

бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда (Рўйхат янгиланган ҳар бир ҳолатда, лекин камида уч ойда бир маротаба) миждозлар ва уларнинг бенефициар мулкдорларининг маълумотлари базаларини мониторинг қилиб боришлари шарт.

25. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар миждоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг идентификацион маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлигини, шунингдек Рўйхатга киритилган шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни аниқлаган тақдирда кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан операцияни амалга оширишни тўхтатиб туради (бундан жисмоний ёки юридик шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўядилар.

26. Қуйидаги ҳолатларда ҳам операция тўхтатиб турилиши, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ишга солмай тўхтатиб қўйилиши шарт, агарда:

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига асосан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса ёхуд назорати остида бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк Рўйхатга киритилган шахсларга бевосита ёки билвосита тегишли ёхуд назорати остида бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулқидан фойдаланиш натижасида олинган ёхуд сотиб олинган бўлса.

27. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциялари тўхтатилган ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилган ҳолатлар бўйича ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг суммасини кўрсатган ҳолда бир иш кунидан кечиктирмасдан шубҳали операция тўғрисида, шунингдек бу борада кўрилган барча чоралар ҳамда мазкур операцияни амалга оширишга қаратилган уринишлар ҳақида маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиши шарт.

**5-боб. Тўхтатиб турилган операцияларни тиклаш,
пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай
тўхтатиб қўйишни бекор қилиш ва улардан
фойдаланишга рухсат бериш тартиби**

28. Қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилган операциялар тикланади ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бекор қилинади:

шахс Рўйхатдан чиқарилганда;

операцияси тўхтатиб турилган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки ишга солинмай тўхтатиб қўйилган шахс Рўйхатга киритилган шахс билан бир хилдаги идентификацион маълумотларга эга бўлса (бундан буён матнда «янглишиш ҳолати» деб юритилади).

29. Рўйхатга киритилган шахс билан бир хилдаги идентификацион маълумотларга эга бўлган шахс тўхтатиб турилган операцияларини тиклаш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишни бекор қилиш юзасидан махсус ваколатли давлат органига ёзма мурожаат қилади.

Мурожаатга шахснинг тўлиқ идентификация қилиш учун зарур бўлган ҳамда у Рўйхатга киритилган шахс эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар илова қилиниши лозим.

30. Махсус ваколатли давлат органи мурожаатни уч иш куни мобайнида кўриб чиқади ва операция иштирокчиси Рўйхатга киритилган шахс эмаслиги ва бу шахс билан бир хилдаги идентификацион маълумотларга эга эканлиги тасдиқланса, бу ҳақда аризачини ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотни ҳабардор қилади.

Агар тақдим қилинган маълумотлар шахсни тўлиқ идентификация (верификация) қилиш имконини бермаса, махсус ваколатли давлат органи мурожаат келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида аризачига асослантирилган рад жавобини юборади.

31. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот қўйидаги маълумотни олган куннинг ўзида, лекин кейинги иш кунидан кечиктирмасдан тўхтатилган операцияни тиклайди ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишни бекор қилади:

шахс Рўйхатдан чиқариб ташланганлиги тўғрисида;

«янглишиш ҳолати»ни тасдиқлаш ҳақидаги махсус ваколатли давлат органининг хабарномаси.

32. Қўйидаги мақсадларда Рўйхатга киритилган шахс ёки операциянинг бошқа иштирокчиси ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотга мурожаат қилишга ҳақли:

а) озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмларни харид қилиш, турар жой ижараси, ипотека кредити, коммунал тўловлар, тиббий хизмат, солиқлар ва йиғимлар, суғурта тўловлари, ўртача бозор нархи чегарасида адвокатлар хизмати ва юридик маслаҳатлар, банк ҳисоб-варақларига хизмат кўрсатиш ёки мулкни сақлаш билан боғлиқ жорий тўлов ва йиғимларни тўлаш учун;

б) фавқулоддаги харажатларни тўлаш учун;

в) БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1718 (2006), 1737 (2006), 2231 (2015) резолюциялари ва уларни ривожлантиришга қаратилган резолюцияларда назарда тутилган ҳолатлар учун.

Мурожаатга тўлов мақсади, суммаси ва асоси, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулки бўйича қайси мулкдан фойдаланишга рухсат бериш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни олувчининг реквизитлари ва идентификацион маълумотлари, пул маблағлари олувчининг банки тўғрисидаги маълумотлари илова қилинади.

33. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот бундай мурожаатни олган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмасдан уни махсус ваколатли давлат органига юборади.

34. Ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги мурожаат келиб тушганидан кейин махсус ваколатли давлат органи икки иш куни мобайнида қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) мурожаатни кўриб чиқиш учун маълумоти шахсни Рўйхатга киритиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига юбориш тўғрисида.

Бунда, маълумоти шахсни Рўйхатга киритиш учун асос бўлган орган етти иш куни давомида (Ўзбекистон Республикасининг тегишли ваколатли органларидан маълумот олиш ёки хорижий давлатлар ваколатли органларига ёхуд халқаро ташкилотларга сўровлар юбориш зарурияти бўлган ҳолатлар мустасно) мурожаатни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилади.

б) шахс БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёки тегишли резолюциялари ёхуд хорижий давлатлар ваколатли органларининг сўровлари асосида Рўйхатга киритилган бўлса:

мазкур мурожаатни кўриб чиқиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари асосида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг тегишли қўмитасига юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юбориш тўғрисида;

сўров юборган хорижий давлат ваколатли органига ишга солмай тўхта-тиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш масаласини келишиш учун хабарнома юбориш тўғрисида.

Махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор ҳақида икки иш кунидан кечиктирмасдан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотни хабардор қилади.

35. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлари ёки тегишли резолюциялари асосида Рўйхатга киритилган шахсга ишга солмай тўхта-тиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат қўйидаги ҳолатларда берилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 32-банди «а» кичик бандида кўрсатилган мақсадлар учун рухсат олиш тўғрисидаги мурожаат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг тегишли қўмитасига етказилганлиги ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларининг бошқа талабларига риоя этилганлиги шарт билан;

б) ушбу Низомнинг 32-банди «б» кичик бандида кўрсатилган мақсадлар учун фақат БМТ Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг тегишли кўмитасининг розилиги ҳақидаги дипломатик каналлар орқали олинган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

в) ушбу Низомнинг 32-банди «в» кичик бандида кўрсатилган мақсадлар учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1718 (2006), 1737 (2006), 2231 (2015) резолюциялари ва уларни ривожлантиришга қаратилган резолюцияларнинг талабларига риоя этган ҳолда (шу жумладан, шахс Рўйхатга киритилгунга қадар тузилган шартнома бўйича тўловлар амалга оширилганда, агарда шартнома (битим) ҳар қандай тақиқланган буюмлар, материаллар, ускуналар, товарлар, технологиялар, ёрдам кўрсатиш, ўқитиш, молиявий кўмак бериш, инвестициялаш, брокерлик фаолияти ёки БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2231 (2015) резолюцияси ва уни ривожлантиришга қаратилган резолюцияларда қайд этилган хизматлар билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек тўлов БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2231 (2015) резолюциясида кўрсатилган чоралар татбиқ этиладиган шахс томонидан бевосита ёки билвосита олинмаган ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашига белгиланган муддатларда бундай тўловларни олиш ёки юбориш ёхуд зарур бўлган ҳолларда ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида хабар юборилган ҳолатларда).

36. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланишга рухсат берилган операция, шу жумладан, уни амалга оширишга уриниш ҳолатлари ҳам шубҳали операциялар деб топилади ҳамда бундай операциялар ҳақида бир иш кунидан кечиктирмасдан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши шарт.

6-боб. Операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш масалаларига доир халқаро ҳамкорлик

1-§. Хорижий давлатлар ваколатли органларининг сўровларини ижро этиш тартиби

37. Хорижий давлат ваколатли органининг террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этиш ёки иштирок этишда гумон қилиш билан боғлиқ санкциялар остига тушадиган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги сўровида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

шахс террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этишига ёки иштирок этишда гумон қилинишига асос бўлувчи маълумотлар;

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларида белгиланган санкцияларни қўллаш учун асос бўлган мезонларга тўғри келиши ҳақида маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахслар учун ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган маълумотлар.

38. Такдим этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки ноаниқ бўлган ҳолатларда махсус ваколатли давлат органи қўшимча маълумотларни сўраб олиш учун тегишли хорижий давлат ваколатли органига мурожаат қилади.

39. Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлат ваколатли органининг сўровини бир иш куни давомида кўриб чиқади ва натижаси бўйича шахсни Рўйхатга киритиш ёки Рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда бу тўғрисида сўров ташаббускорини хабардор қилади.

40. Операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳақида сўров ижроси махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасига кирмаса, уни ижро этиш учун ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органига юборади.

41. Хорижий давлат ваколатли органининг сўровини ижро этиш имкони бўлмаган тақдирда, маълумот ва ҳужжатлар сўров ташаббускорига ижро этишга тўсқинлик қилувчи сабаблар кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

42. Хорижий давлат ваколатли органининг сўрови Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига зид бўлса ёки унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси суверенитети ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса ижро этилмайди.

2-§. Хорижий давлатлар ваколатли органларига ва халқаро ташкилотларга сўровлар юбориш тартиби

43. Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари ёки махсус ваколатли давлат органининг хорижий давлатлар ваколатли органларига шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисида юбориладиган сўровлари БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган мезонларга кўра ушбу шахслар террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этишига ёки иштирок этишда гумон қилинишига асос бўлувчи асослантирилган ва етарли маълумотларни, шунингдек имкони борича кўпроқ идентификацион ва бошқа маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

44. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритиш учун таклифлар юборишга масъул бўлган давлат органи ҳисобланади.

45. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаш ва идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари ёки махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган мезонларга кўра ва тартибда амалга оширилади.

46. Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари ёки махсус ваколатли давлат органи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилиши лозим бўлган шахс тўғрисидаги маълумотларни аниқлаган ёки олган тақдирда, бундай маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига юборадилар.

47. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаш ва идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари, махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа давлат органларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Сўралган маълумотлар уч иш куни давомида тақдим этилади, бундан уларни тақдим этиш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ёки халқаро ташкилотларга мурожаат қилиш зарур бўлган ҳолатлар мустасно.

48. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган мезонларга кўра шахслар террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этишига ёки иштирок этишда гумон қилинишига асос бўлувчи асослантирилган ва етарли маълумотлар мавжуд бўлганда, мазкур шахсларни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритиш учун таклифлар юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

49. Давлат хавфсизлик хизмати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилиши лозим бўлган шахс тўғрисидаги маълумотларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг тегишли қўмитасига кўриб чиқиш учун юбориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

50. Ушбу Низомнинг 48-бандида назарда тутилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этишда БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва унинг қўмиталари томонидан белгиланган шакллар тўлдирилган ҳамда маълумотларни юбориш тартиб-таомилларига риоя этилган бўлиши шарт.

Бунда қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим:

шахсни БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритишни асословчи барча зарурий маълумотлар ҳамда шахсни идентификация қилиш имконини берувчи аниқ ва ишончли маълумотлар;

шахсни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига ки-

ритилган шахслар билан алоқадорлиги тўғрисидаги, шунингдек тегишли таклифлар Ўзбекистон Республикаси номидан киритилганлигини ошкор этиш ёки этмаслик мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар.

51. Шахсни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларидан чиқариш учун таклифлар киритиш БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қўмиталарининг тегишли ҳужжатларида (бошқарув принципларида) белгиланган тартибда амалга оширилади.

52. Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари ёки махсус ваколатли давлат органи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилган шахс вафот этганлиги тўғрисида маълумотларни олган тақдирда, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматини хабардор қиладилар.

53. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилган шахс суднинг қонуний кучга кирган қарори билан вафот этган деб эълон қилинган ёки ваколатли орган томонидан ўлими қайд этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали БМТ Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг тегишли қўмитасини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилади.

54. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилган шахс вафот этган тақдирда унинг қонуний ворислари уни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларидан чиқариш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1730 (2006) резолюциясига асосан тузилган Алоқа марказига ёки 1904 (2009) резолюцияси билан таъсис этилган Омбудсман Девонхонасига мурожаат этишлари мумкин.

55. Махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида шахсни БМТ Хавфсизлик Кенгаши санкциявий рўйхатларидан чиқариш тартиб-таомиллари билан танишиш имконини берувчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши расмий веб-сайтнинг тегишли бўлимлари хаволаси жойлаштирилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

56. Махсус ваколатли давлат органи тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назорат юклатилган бошқа органлар билан ҳамкорликда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади.

57. Операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш натижасида мулккий зарар кўрган жисмоний ва юридик шахслар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш чораси қўлланилган шахсга нисбатан ушбу зарарни қоплаш даъвоси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

58. Махсус ваколатли давлат органи зарур ҳолларда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, операцияларни тиклаш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва бошқа масалалар бўйича тушунтиришлар тақдим этади ҳамда уларни жисмоний ва юридик шахслар, хусусан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга, шу жумладан ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали етказди.

59. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

60. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Марказий банки, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

***Давлат хавфсизлик
хизмати раиси***

А. АЗИЗОВ

2021 йил 30 июль

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2021 йил 26 июль

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 1 июль

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2021 йил 2 июль

***Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири***

Ш. САДИКОВ

2021 йил 17 июль

*Лойиҳа бошқаруви миллий
агентлиги директори*

Д. ЛИ

2021 йил 1 июль

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2021 йил 16 июль

*Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг раиси*

Б. ГУЛЯМОВ

2021 йил 30 июнь

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2021 йил 30 июнь

*Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори*

А. ОРТИҚОВ

2021 йил 2 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ КАДАСТР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

632 «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2721, 2015 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 547-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 сентябрь,
9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил
27 сентябрдаги 9-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан
бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг
рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

1) номидаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**»;

3) 1-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

1) номидаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан қўйидаги умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар бажарилади:

а) Ер шаклининг ва ташқи гравитация майдонининг параметрларини аниқлаш:

давлат гравиметрик пунктларида офирлик кучи тезланишининг абсолют (нисбий) қийматларини аниқлаш бўйича гравиметрия ишлари;

геодезия пунктларида кенглик, узунлик ва азимутни астрономик аниқлаш ишлари;

б) график, рақамли, фотосурат шаклидаги ва бошқа шакллардаги дав-

лат топографик хариталари ҳамда режаларини яратиш, янгилаш ва нашр этиш:

аэрокосмик суратга олиш асбоблари ёрдамида учиш аппаратларидан жойнинг фотосурат тасвирини олиш бўйича аэросуратга олиш ишлари;

1:10 000, 1:25 000 масштабларда топографик тасвирга олиш жараёнлари;

1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000, 1:500 000, 1:1 000 000 масштабларда давлат топографик хариталарини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган даврийлик билан янгилаш ишлари;

турли масштаблардаги давлат рақамли топографик хариталари ва режаларини ишлаб чиқиш ишлари;

турли масштаблардаги давлат рақамли топографик хариталари ва режаларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган даврийлик билан янгилаш ишлари;

турли масштаблардаги давлат топографик хариталарини компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда нашрга тайёрлаш ишлари;

турли масштаблардаги давлат топографик хариталарининг мажбурий тиражини полиграфик ёки бошқа кўпайтириш воситаларидан фойдаланган ҳолда нашр этиш;

в) Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб туриш:

референц геодезия пунктларидан, юқори аниқликдаги (0-синф, 1-синф) геодезия пунктларидан ташкил топган давлат йўлдош геодезияси тармоғини ташкил қилиш;

давлат режали геодезия тармоғини 3 ва 4-синфлар, 1 ва 2-разрядлар йўлдош геодезияси тармоқларидан, 4-синф, 1 ва 2-разрядлар полигонометрия тармоғидан ташкил топган геодезия зичлаш тармоқларини тузиш орқали ривожлантириш;

режали ва баландлик давлат геодезия тармоғининг ва зичлаш тармоқларининг пунктларини тадқиқ этиш ва тиклаш;

доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғини ташкил қилиш, станцияларда йўлдош сигналларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва мобиль станцияларининг қабул қилувчи қурилмаларига тарқатиш ишлари;

сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) яратиш;

давлат фундаментал гравиметрик тармоғидан ва 1-синф давлат гравиметрик тармоғидан иборат давлат гравиметрик тармоғини яратиш;

гравиметрик зичлаштириш тармоқларини қуриш йўли билан давлат гравиметрик тармоғини ривожлантириш;

давлат гравиметрик тармоғи пунктларини тадқиқ этиш ва тиклаш;

1 ва 2-синф давлат нивелир тармоғи ҳамда 3 ва 4-синф баландлик зичлаштириш тармоқлари пунктларининг баландликларини аниқлаш бўйича нивелирлаш ишлари, шу жумладан аввал ўтказилган нивелирлаш ишлари-

ни тартибга солувчи хужжатларда белгиланган даврийликлар билан 1 ва 2-синф такрорий нивелирлаш ишлари;

г) Ернинг картографик мониторингини, уни масофадан туриб зондлашни ва геодинамика тадқиқотларини амалга ошириш:

объектларнинг фазовий маълумотларини ер усти, ҳаво ёки аэрокосмик жойлашувдаги суратга олиш асбоблари ёрдамида махсус жиҳозланган станцияларга қабул қилиш, маълумотларни картографик мақсадларда ишлаш, сақлаш ва қўллаш ишлари;

геодинамик ва техноген полигонлар пунктларида юқори аниқликдаги (1-синф) йўлдош ўлчовларини бажариш, ўлчовлар натижалари бўйича Ер қобигининг ҳозирги горизонтал ва вертикал ҳаракатларини тадқиқ этиш ишлари;

д) Ўзбекистон Республикасининг давлат картография-геодезия фондини шакллантириш ва юритиш:

Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди томонидан геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда олинган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда фойдаланиш учун тақдим этиш ишлари;

картография-геодезия давлат кадастрини юритиш;

е) Миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш:

Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

тармоқлараро, минтақавий географик ахборот тизимларини ташкил этиш ва юритиш;

ж) умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотга оид ва бошқа тематик хариталар ҳамда тармоқлараро аҳамиятга молик атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этиш:

тармоқлараро аҳамиятга молик турли тематик хариталар ва атласларни, ўқув картография қўлланмаларини яратишда таҳрирлаш-тайёрлаш ишлари;

тармоқлараро аҳамиятга молик турли тематик ва ўқув хариталарининг асл нусхаларини компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиш ва расмийлаштириш ишлари;

давлат, минтақавий ва тармоқлараро аҳамиятга молик турли тематик атласларни, ўқув атласларини компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиш ва расмийлаштириш ишлари;

тармоқлараро аҳамиятга молик турли тематик хариталар ва атласларнинг, ўқув хариталарининг нашр этилган асл нусхаларини компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш ишлари;

з) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини (кейинги ўринларда Давлат чегараси деб юритилади) делимитация, демаркация (редемаркация) қилиш ва унинг ўтиш чизигини текшириш бўйича ишларни зарур геодезия, картография ҳамда гидрографияга доир ишлар, материаллар (маълумотлар) билан таъминлаш:

Давлат чегарасига туташ минтақа учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган Ҳукумат делегацияси томонидан белгиладиган масштабларда делимитация, демаркация (редемаркация) хариталар яратиш бўйича топография-геодезия ишлари;

Давлат чегарасига туташ минтақага топографик хариталар (фотопланлар, фотосхемалар) тузиш учун аэросуратга олиш ишлари (Ҳукумат делегациясининг топшириғи бўйича);

Давлат чегараси минтақасида геодезия тармоқ пунктларини текшириш, уларнинг сақланишини ва бўлғуси топография-геодезия ишларини ўтказиш учун улардан фойдаланиш имкониятини текшириш ишлари;

дарёларда (кўлларда, сув омборларида) уларнинг Давлат чегараси чизигининг ўтишини белгиловчи ўртасини (створини) сув сирти бўйлаб аниқлаш ва белгилар билан маҳкамлаш бўйича гидрография ишлари;

Давлатлараро комиссия томонидан белгиланган конструкциядаги чегара белгиларини тайёрлаш ва чегара белгилари билан Давлат чегараси чизигини мустаҳкамлаш ишлари;

чегара белгиларининг координаталарини Ҳукумат делегацияси томонидан белгиланган аниқликда йўлдошли ўлчовлар услуги билан белгилаш ишлари;

чегара белгиларининг координаталари каталогини тузиш;

чегара белгилари протоколларини Ҳукумат делегацияси томонидан белгиланган намунада тузиш ишлари;

маълумотларни тўплаш ва Давлат чегараси минтақасида жойлашган географик объектларнинг номлари рўйхатини тузиш;

Давлат чегараси чизигини таърифлаш баённомасини тегишли намунадаги ҳужжатни тўлдириб, Ҳукумат делегацияси томонидан белгиладиган масштаблар топографик хариталари варақларида Давлат чегарасининг ўтиш чизигини ҳамда чегара белгилари ўрнашган жойларни тасвирлаб график иловани яратган ҳолда тузиш ишлари;

и) геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовлар бирлигини ва метрология назоратини таъминлаш:

геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовлар бирлиги ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш мақсадида илмий-техник ва ташкилий асосларни, техник воситаларни, қоидалар ҳамда нормаларни белгилаш ва қўллаш ишлари;

эталон базисни — геодезия ва картографияга оид ишларнинг бажарилишини метрологик таъминлаш учун узунлик эталонини яратиш ҳамда иш ҳолатида сақлаш;

к) географик объектларнинг номларини белгилаш, меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, шунингдек Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритиш:

географик объект номи, шунингдек уни бериш ёки қайта номлаш жараёнининг ҳамда уларни қўллаш даражасининг ва кейинчалик меъёрлаштириш заруриятининг Ўзбекистон Республикасининг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш ишлари;

географик объектларнинг номларини меъёрлаштириш ишлари;
географик объектларнинг номларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш шаклини тузиш ишлари;

географик объектларнинг номлари тўғрисидаги маълумотларни Географик объектлар номларининг давлат реестри маълумотлар базасига киритиш ишлари;

географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш ишлари;

географик объектларнинг меъёрлаштирилган номларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари;

географик объектларнинг номларини ҳисобга олиш ишлари;

Географик объектлар номларининг давлат реестри маълумотларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фойдаланувчиларга тақдим этиш;

л) илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни олиб бориш;

м) геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.»;

3) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ махсус аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари бажарилиши мумкин.»;

4) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензия ёки хабардор қилиш тартиби орқали геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш бўйича тасдиқномага эга бўлган юридик шахслар томонидан ҳам бажарилиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ КАДАСТР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

633 «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПК–4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2016 йил 27 апрелдаги 34-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2791, 2016 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 245-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 сентябрь,
10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил
28 сентябрдаги 10-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**».

2. Иловада:

1) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартибини белгилайди.»;

2) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «ерни рўйхатга олиш» деган сўзлар «ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «инвентаризация қилиш» деган сўзлар «хатловдан ўтказиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри —

кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида, шунингдек, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона ахборот маълумотлар базаси;»;

3) 2-банддаги «участкасини рўйхатга олиш» деган сўзлар «участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер кадастрига доир ахборот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (бундан буён матнда Давлат кадастрлари палатаси деб юритилади) унинг ҳудудий бошқармалари маълумотлар базасида шакллантирилади ва улар томонидан манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг мурожаатларига мувофиқ берилади»;

5) 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри;»;

6) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ер кадастрига доир ахборотни унинг шакллантирилишига, сақлалишига, янгилаб борилишига ва турига қараб фойдаланувчиларга қуйидаги ташкилотлар тақдим этади:

а) Давлат кадастрлари палатаси томонидан республика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида бериладиган ахборот:

ер турлари бўйича ерларнинг тоифалари кесимида ер фонди;

қишлоқ хўжалиги ерларининг бонитет баллари;

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати.

б) Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тегишли ҳудудлари бўйича туманлар (шаҳарлар) кесимида бериладиган ахборот:

ер турлари бўйича ерларнинг тоифалари кесимида ер фонди;

ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги ахборот;

ер участкасининг ер турлари бўйича майдони, қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ва норматив қиймати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ туман (шаҳар) ер кадастри дафтаридаги ахборот;

кадастр йиғмажилдидаги ер участкасининг тавсифи ва бошқа хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар.».

7) 10-бандда:

учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига ва «Давергеодезкадастрга» деган

сўзлар «Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар сўралаётган ер кадастрига доир ахборот Давлат кадастрлари палатаси ёки унинг бошқа ҳудудий бошқармасида мавжуд бўлса, мурожаатномани қабул қилган ташкилот уни тегишли ташкилотдан сўраб олади ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахсга тақдим этади»;

8) 20-банддаги «мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимларнинг» деган сўзлар «мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

634 Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари, талабалари ва тингловчиларини ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3328*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5077-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари, талабалари ва тингловчиларини ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Р. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 сентябрь,
232-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондонининг 2021 йил
7 сентябрдаги 232-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети курсантлари, талабалари ва тингловчиларини
ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5077-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда — Университет) курсантлари, талабалари ва тингловчиларини ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

курсант — ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган ва Университетнинг олий ҳарбий таълим йўналишида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

талаба — Университетда умумфуқаровий асосда таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

тингловчи — Университетнинг магистратурасида ёки сиртки таълим шаклида таҳсил олаётган контракт бўйича ҳарбий хизматни (хизматни) ўтаётган ҳарбий хизматчи ёки ходим.

2. Ўқишдан четлаштирилган курсантлар, талабалар ва тингловчиларнинг ўқишини қайта тиклаш ёзги таътил даврида ўқув машғулотлари бошлангунга қадар амалга оширилади.

3. Ўқишдан четлаштирилган собиқ биринчи босқич курсантлари, шунингдек собиқ тингловчилар Университетга номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш танловларида қатнашишлари мумкин.

4. Ўқишдан четлаштирилган собиқ курсантлар ва талабалар фақат аввал ўқиган таълим йўналишларига (мутахассисликларига) қайта тикланиши мумкин.

5. Қуйидагилар Университетда ўқишга қайта тикланмайди:

бакалавриат дастури бўйича ўқишнинг биринчи босқичида ўқишдан четлаштирилган курсантлар;

мазкур Низомнинг 6-банди «а», «б», «г» ва «д» кичик бандларида назарда тутилган бир ёки бир нечта асосга кўра ўқишдан четлаштирилган курсантлар;

бакалаврият дастури бўйича ўқишнинг сиртки таълим шаклида ўқишдан четлаштирилган собиқ тингловчилар;
магистратурада ўқишдан четлаштирилган собиқ тингловчилар;
мазкур Низомнинг 41-банди «в» кичик бандига асосан ўқишдан четлаштирилган талабалар;
суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда ўқишдан четлаштирилган талабалар;
бошқа олий таълим муассасаларининг (ташкilotларининг) собиқ талабалари.

2-боб. Курсантларни ўқишдан четлаштириш

1-§. Умумий қоидалар

6. Курсантлар қуйидаги асосларга кўра ўқишдан четлаштирилади:
- а) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари талабларини бузганда (бундан буён матнда интизомсизлик деб юритилади);
 - б) ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслик тўғрисида шахсий ташаббус билдирганда;
 - в) фан (фанлар) дастурини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаганда (академик қарздорлик мавжуд бўлганда);
 - г) курсант суд томонидан озодликдан маҳрум этилганда;
 - д) давлат сирлари билан ишлаш рухсатномасидан маҳрум қилинганда;
 - е) ҳарбий тиббий комиссия томонидан ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга яроқсиз деб топилганда.
7. Курсантларни ўқишдан четлаштириш Университет бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

2-§. Курсантни ўқишдан четлаштириш бўйича мурожаат қилиш

8. Мазкур Низомнинг 6-банди «а» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда факультет бошлиғи курсант томонидан интизомсизлик содир этилган кундан бошлаб 10 кун ичида барча ҳолатларни асослаган ҳолда Университет бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади.
9. Мазкур Низомнинг 6-банди «б» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда курсант қўмондонлик поғонаси бўйича факультет бошлиғига ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслик тўғрисида билдирги тақдим этади.
10. Мазкур Низомнинг 6-банди «в» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи курсантнинг фан (фанлар) дастурини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаганлиги (академик қарздорлиги) тўғрисида факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

11. Мазкур Низомнинг 6-банди «г» ёки «д» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Кадрлар бўлими бошлиғи асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

12. Мазкур Низомнинг 6-банди «е» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Тиббий таъминот хизмати бошлиғи асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

13. Мазкур Низомнинг 6-банди «б» — «е» кичик бандларида назарда тутилган асослардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлганда ёки улар бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда факультет бошлиғи 2 иш кунидан кечиктирмасдан қўмондонлик поғонаси бўйича Университет бошлиғига ҳолат тўғрисида билдирги билан мурожаат қилади.

3-§. Ўқишдан четлаштириш масаласини кўриб чиқиш

14. Курсантни мазкур Низомнинг 6-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган асосларга кўра ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

15. Курсантни ўқишдан четлаштириш бўйича Университет бошлиғига тақдим қилинган билдиргида мазкур Низом 6-бандининг «а» кичик банди асос қилиб кўрсатилган ҳолларда Университет бошлиғи томонидан ҳолат юзасидан хизмат текшируви тайинланади.

16. Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра, курсантни интизомсизлиги сабабли ўқишдан четлаштириш таклиф этилган тақдирда, ушбу масала Университет бошлиғи томонидан Университет кенгашига киритилади.

17. Курсантни ўқишдан четлаштириш бўйича Университет бошлиғига тақдим қилинган билдиргида мазкур Низом 6-банди «б» ва «в» кичик бандларининг бири асос қилиб кўрсатилган ҳолларда курсантни ўқишдан четлаштириш масаласи кўриб чиқиш учун Университет бошлиғи томонидан Университет кенгашига киритилади.

18. Курсантни ўқишдан четлаштирилиши масаласи Университет бошлиғи томонидан киритилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилади.

19. Факультет бошлиғи томонидан курсантни ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар бўйича, шунингдек курсантнинг хизмат интизомига риоя қилиши, ҳарбий бурчига содиқлиги, жамоатчилик ишларидаги иштироки, ўқув дастурларини ўзлаштириши, шахсий фазилатлари ҳақида Кенгаш аъзоларига ахборот берилади.

20. Университет кенгаши аъзолари томонидан курсантни ўқишдан четлаштириш билан боғлиқ ҳолат ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилади ва муҳокама қилинади. Кенгаш йиғилишида курсантнинг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

21. Университет кенгаши муҳокама натижаларидан келиб чиқиб, кен-

гаш йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очиқ овоз бериши орқали курсантни ўқишдан четлаштириш ёки курсантни ўқишдан четлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Курсант Университет кенгашининг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

22. Университет кенгаши йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Баённоманинг расмийлаштирилиши учун кенгаш котиби масъул ҳисобланади.

4-§. Ўқишдан четлаштиришни расмийлаштириш

23. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси курсантни ўқишдан четлаштириш ҳақидаги Университет бошлиғининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

24. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тасдиқланган вақтдан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан Университет бошлиғининг курсантни ўқишдан четлаштириш ҳақидаги буйруғи қабул қилинади.

25. Курсантни мазкур Низомнинг 6-банди «г» ёки «д» ёхуд «е» кичик бандида назарда тутилган асосга кўра ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгашида кўриб чиқилмайди. Бунда, курсантни ўқишдан четлаштириш тегишли ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғридан-тўғри Университет бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

3-боб. Собиқ курсантни ўқишга қайта тиклаш

1-§. Ўқишга қайта тиклаш бўйича мурожаат қилиш

26. Собиқ курсантлар ўқишга қайта тиклаш бўйича Университетга ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Аризалар ҳар йили 1 июлдан 20 июлга қадар қабул қилинади.

27. Собиқ курсантнинг аризаси асосида Университетнинг Кадрлар бўлими томонидан унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди ўрганиб чиқилади. Бунда, собиқ курсант ўқишдан четлаштирилишининг сабаби аниқланади.

28. Собиқ курсант мазкур Низомнинг 6-банди «а», «б», «г» ва «д» кичик бандларида назарда тутилган асослардан бири ёки бир нечасига кўра ўқишдан четлаштирилганлиги аниқланганда, уни ўқишга қайта тиклаш рад этилади ва бу ҳақда ариза муаллифига ёзма равишда хабар берилади.

29. Собиқ курсант мазкур Низомнинг 6-банди «в» кичик бандига асосан ўқишдан четлаштирилганлиги аниқланганда, Кадрлар бўлими томонидан Ўқув-услубий бошқарманинг собиқ курсантни ўзлаштирмаган фан (фанлар) дастури бўйича тақдим этган ёзма шаклдаги ахбороти ҳамда тегишли ҳужжатлар уни ўқишга қайта тиклаш масаласини кўриб чиқиш учун Университет кенгашига тақдим этилади.

30. Собиқ курсант мазкур Низомнинг 6-банди «е» кичик бандига асо-

сан ўқишдан четлаштирилганлиги аниқланганда, собиқ курсантга ҳарбий тиббий комиссияда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

31. Собиқ курсант 10 иш кунидан кечиктирмасдан ҳарбий тиббий комиссияда тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Собиқ курсантнинг тиббий кўрик натижаси бўйича хулосани ҳарбий тиббий комиссиядан сўраб олиш учун Университетнинг Кадрлар бўлими масъул ҳисобланади.

32. Ҳарбий тиббий комиссиянинг хулосасига асосан собиқ курсант ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга яроқсиз деб топилганда, уни ўқишга қайта тиклаш рад этилади ва бу ҳақда ариза муаллифига ёзма равишда хабар берилади.

33. Ҳарбий тиббий комиссиянинг хулосасига асосан собиқ курсант ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга яроқли деб топилганда, Кадрлар бўлими томонидан тегишли ҳужжатлар уни ўқишга қайта тиклаш учун Университет бошлиғига тақдим этилади.

2-§. Ўқишга қайта тиклаш масаласини кўриб чиқиш

34. Собиқ курсантни ўқишга қайта тиклаш масаласи Кадрлар бўлими томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилади. Бунда, Кадрлар бўлими бошлиғи томонидан собиқ курсантнинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар бўйича кенгаш аъзоларига ахборот берилади.

35. Университет кенгаши аъзолари томонидан собиқ курсантнинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ ҳолат ва тегишли ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилади ва уни ўқишга қайта тиклашнинг мақсадга мувофиқлиги муҳокама қилинади. Кенгаш йиғилишида собиқ курсантнинг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

36. Университет кенгаши муҳокама натижаларидан келиб чиқиб, кенгаш йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очик овоз бериши орқали собиқ курсантни ўқишга қайта тиклаш ёки собиқ курсантни ўқишга қайта тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Собиқ курсант Университет кенгашининг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

37. Университет кенгаши йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Баённоманинг расмийлаштирилиши учун кенгаш котиби масъул ҳисобланади.

3-§. Ўқишга қайта тиклашни расмийлаштириш

38. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси курсантни ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги Университет бошлиғининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

39. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тасдиқланган вақтдан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан Университет бошлигининг собиқ курсантни ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги буйруғи қабул қилинади.

40. Ўқишга қайта тиклаш масаласи Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилмаган собиқ курсантни тўғридан-тўғри Университет бошлигининг буйруғи билан ўқишга қайта тиклашга йўл қўйилмайди.

4-боб. Талабаларни ўқишдан четлаштириш

1-§. Умумий қоидалар

41. Талабалар қуйидаги асосларга кўра ўқишдан четлаштирилади:

а) ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслик тўғрисида шахсий ташаббус билдирганда;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) Университетнинг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

г) ўқув интизоми қоидаларини бузиш, шу жумладан бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

д) ўқиш учун белгиланган тўлов-контракт пули ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли;

е) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

ж) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда;

з) вафот этганлиги сабабли.

42. Талабаларни ўқишдан четлаштириш Университет бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади.

43. Мазкур Низомнинг 41-бандида назарда тутилган асослардан бири ёки бир нечтаси («а» ёки «б» кичик бандлар бундан мустасно) мавжуд бўлганда ёки улар бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда факультет бошлиғи 2 иш кунидан кечиктирмасдан қўмондонлик поғонаси бўйича Университет бошлиғига ҳолат тўғрисида билдирги билан мурожаат қилади.

2-§. Ўқишдан четлаштириш бўйича мурожаат қилиш

44. Мазкур Низомнинг 41-банди «а» ёки «б» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда талаба тегишлича ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслиги ва уни ўқишдан четлаштиришни ёки ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан уни ўқишдан четлаштиришни сўраб Университет бошлиғига ариза билан мурожаат қилади.

45. Мазкур Низомнинг 41-банди «в» — «з» кичик бандларида назарда

тутилган асослардан бири ёки бир нечтасига кўра ўқишдан четлаштиришда факультет бошлиғи барча ҳолатларни тўлиқ асослаган ҳолда талабани ўқишдан четлаштириш масаласини кўриб чиқиш учун қўмондонлик поғонаси бўйича Университет бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади.

3-§. Ўқишдан четлаштириш масаласини кўриб чиқиш

46. Мазкур Низомнинг 41-банди «а» ёки «б» кичик бандида назарда тутилган асосларга кўра ўқишдан четлаштириш бўйича талаба томонидан тақдим этилган ариза Университет бошлиғи томонидан ҳолатни ўрганиб чиқиш ва ахборот бериш учун факультет бошлиғига йўналтирилади.

47. Факультет бошлиғи томонидан 3 иш кунидан кечиктирмасдан ўқишдан четлаштиришни сўраб ариза берган талаба билан якка тартибда суҳбат ўтказилади ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади.

48. Факультет бошлиғи ариза берган талабанинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди ва якка тартибда ўтказилган суҳбат далолатномасини илова қилган ҳолда Университет бошлиғига билдирги тақдим этади.

49. Талабани мазкур Низомнинг 41-бандида назарда тутилган асосларга кўра ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

50. Факультет бошлиғининг билдиргиси Университет бошлиғи томонидан талабани ўқишдан четлаштириш масаласини ҳал этиш учун Университет кенгашига киритилади.

51. Талабани ўқишдан четлаштириш масаласи Университет бошлиғи томонидан тақдим этилган вақтдан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилади. Бунда, факультет бошлиғи талабанинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар ҳақида кенгаш аъзоларига ахборот беради.

52. Университет кенгаши аъзолари томонидан талабанинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ ҳолат ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилади ва муҳокама қилинади. Кенгаш йиғилишида талабанинг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

53. Университет кенгаши муҳокама натижаларидан келиб чиқиб, кенгаш йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очик овоз бериши орқали талабани ўқишдан четлаштириш ёки талабани ўқишдан четлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талаба Университет кенгашининг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

54. Университет кенгаши йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Баённоманинг расмийлаштирилиши учун кенгаш котиби масъул ҳисобланади.

4-§. Ўқишдан четлаштиришни расмийлаштириш

55. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси талабани ўқишдан

четлаштириш ҳақидаги Университет бошлигининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

56. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тасдиқланган вақтдан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан Университет бошлигининг талабани ўқишдан четлаштириш ҳақидаги буйруғи қабул қилинади.

57. Ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилмаган талабани тўғридан-тўғри Университет бошлигининг буйруғи билан ўқишдан четлаштиришга йўл қўйилмайди.

5-боб. Собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш

1-§. Ўқишга қайта тиклаш бўйича муурожаат қилиш

58. Собиқ талабалар ўқишга қайта тиклаш бўйича Университетга ёзма шаклда ариза билан муурожаат қилишлари мумкин. Аризалар ҳар йили 1 июлдан 20 июлга қадар қабул қилинади.

59. Собиқ талабанинг аризаси асосида тегишли факультет бошлиғи томонидан унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди ўрганиб чиқилади. Бунда, собиқ талабанинг Университетда ўқишдан четлаштирилишининг сабаби аниқланади.

60. Собиқ талабанинг мазкур Низомнинг 41-банди «в», «е» ва «ж» кичик бандларининг бири ёки бир нечасига асосан ўқишдан четлаштирилганлиги аниқланганда, уни ўқишга қайта тиклаш рад этилади ва бу ҳақда ариза муаллифига ёзма равишда хабар берилади. Бунда, собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш масаласи Университет кенгашида кўриб чиқилмайди.

61. Факультет бошлиғи томонидан тегишли ҳужжатлар собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш масаласини кўриб чиқиш учун Университет кенгашига тақдим этилади.

2-§. Ўқишга қайта тиклаш масаласини кўриб чиқиш

62. Собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш масаласи тегишли ҳужжатлар факультет бошлиғи томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмасдан Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилади. Бунда, факультет бошлиғи томонидан собиқ талабанинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар бўйича кенгаш аъзоларига ахборот берилади.

63. Университет кенгаши аъзолари томонидан собиқ талабанинг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ ҳолат ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилади ва уни ўқишга қайта тиклашнинг мақсадга мувофиқлиги муҳокама қилинади. Кенгаш йиғилишида талабанинг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

64. Университет кенгаши муҳокама натижаларидан келиб чиқиб, кенгаш йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очиқ овоз бериши орқали собиқ талабани ўқишга қайта тиклаш ёки

собик талабани ўқишга қайта тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Собик талаба Университет кенгашининг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

65. Университет кенгаши йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Баённоманинг расмийлаштирилиши учун кенгаш котиби масъул ҳисобланади.

3-§. Ўқишга қайта тиклашни расмийлаштириш

66. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси талабани ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги Университет бошлиғининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

67. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тасдиқланган вақтдан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан Университет бошлиғининг собик талабани ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги буйруғи қабул қилинади.

68. Ўқишга қайта тиклаш масаласи Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилмаган собик талабани тўғридан-тўғри Университет бошлиғининг буйруғи билан ўқишга қайта тиклашга йўл қўйилмайди.

6-боб. Тингловчини ўқишдан четлаштириш

1-§. Умумий қоидалар

69. Тингловчилар қуйидаги асосларга кўра ўқишдан четлаштирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари талабларини бузганда (бундан буён матнда интизомсизлик деб юретилади);

б) ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслик тўғрисида шахсий ташаббус билдирганда;

в) фан (фанлар) дастурини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаганда (академик қарздорлик мавжуд бўлганда);

г) тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганда;

д) давлат сирлари билан ишлаш рухсатномасидан маҳрум қилинганда;

е) ҳарбий тиббий комиссия томонидан ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга яроқсиз деб топилганда.

70. Тингловчини ўқишдан четлаштириш Университет бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

71. Мазкур Низомнинг 69-бандида назарда тутилган асослардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлганда ёки улар бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғи ёки махсус факультет бошлиғи 2 иш кунидан кечиктирмасдан қўмондонлик поғонаси бўйича Университет бошлиғига ҳолат тўғрисида билдирги билан мурожаат қилади.

2-§. Ўқишдан четлаштириш бўйича муурожаат қилиш

72. Мазкур Низомнинг 69-банди «а» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғи ёки махсус факультет бошлиғи тингловчининг интизомсизлиги тўғрисида барча ҳолатларни асослаган ҳолда Университет бошлиғига билдирги билан муурожаат қилади.

73. Мазкур Низомнинг 69-банди «б» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда тингловчи қўмондонлик поғонаси ва тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғига ёки махсус факультет бошлиғига ўз хоҳиши билан ўқишни давом эттирмаслик тўғрисида билдирги тақдим этади.

74. Мазкур Низомнинг 69-банди «в» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Ўқув-услугий бошқарма бошлиғи тингловчининг фан (фанлар) дастурини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаганлиги (академик қарздорлиги) тўғрисида тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғини ёки махсус факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

75. Мазкур Низомнинг 69-банди «г» ёки «д» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Кадрлар бўлими бошлиғи асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғини ёки махсус факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

76. Мазкур Низомнинг 69-банди «е» кичик бандида назарда тутилган асос билан ўқишдан четлаштиришда Тиббий таъминот хизмати бошлиғи асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғини ёки махсус факультет бошлиғини ёзма равишда хабардор қилади.

3-§. Ўқишдан четлаштириш масаласини кўриб чиқиш

77. Тингловчини мазкур Низомнинг 69-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган асосларга кўра ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

78. Тингловчини ўқишдан четлаштириш бўйича Университет бошлиғига тақдим қилинган билдиргида мазкур Низом 69-бандининг «а» кичик банди асос қилиб кўрсатилган ҳолатларда Университет бошлиғи томонидан ҳолат юзасидан хизмат текшируви тайинланади.

79. Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра, тингловчини интизомсизлиги сабабли ўқишдан четлаштириш таклиф этилган тақдирда, ушбу масала Университет кенгашига киритилади.

80. Тингловчини ўқишдан четлаштириш бўйича Университет бошлиғига тақдим қилинган билдиргида мазкур Низом 69-банди «б» ва «в» кичик бандларининг бири асос қилиб кўрсатилган ҳолатларда тингловчини ўқишдан четлаштириш масаласи кўриб чиқиш учун Университет бошлиғи томонидан Университет кенгашига киритилади.

81. Тингловчини ўқишдан четлаштириш масаласи Университет бошлиғи томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан Университет кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилади. Бунда, тегишлилиги бўйича магистратура бошлиғи ёки махсус факультет бошлиғи томонидан тингловчининг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар бўйича, шунингдек тингловчининг хизмат интизомига риоя қилиши, ҳарбий бурчига содиқлиги, жамоатчилик ишларидаги иштироки, ўқув дастурларини ўзлаштириши, шахсий фазилатлари ҳақида кенгаш аъзоларига ахборот берилади.

82. Университет кенгаши аъзолари томонидан тингловчининг ўқишдан четлаштирилиши билан боғлиқ ҳолат ва тегишли ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилади ҳамда муҳокама қилинади. Кенгаш йиғилишида тингловчининг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

83. Университет кенгаши муҳокама натижаларидан келиб чиқиб, кенгаш йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очик овоз бериши орқали тингловчини ўқишдан четлаштириш ёки тингловчини ўқишдан четлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Тингловчи Университет кенгашининг қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

84. Университет кенгаши йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Баённоманинг расмийлаштирилиши учун кенгаш котиби масъул ҳисобланади.

4-§. Ўқишдан четлаштиришни расмийлаштириш

85. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тингловчини ўқишдан четлаштириш ҳақидаги Университет бошлиғининг буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

86. Университет кенгашининг йиғилиш баённомаси тасдиқланган вақтдан бошлаб 1 кундан кечиктирмасдан Университет бошлиғининг тингловчини ўқишдан четлаштириш ҳақидаги буйруғи қабул қилинади.

87. Тингловчини мазкур Низомнинг 69-банди «г» ёки «д» ёхуд «е» кичик бандида назарда тутилган асосга кўра ўқишдан четлаштириш масаласи Университет кенгашида кўриб чиқилмайди.

Бунда, тингловчини ўқишдан четлаштириш тегишли ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғридан-тўғри Университет бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

7-боб. Яқуний қоида

88. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

635 Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 октябрдаги 14-қ/қ, Қ-87, 100, 17, 16, 7, 01-02/22-22, 2010-41-сон «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2174, 2010 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 529-модда) билан тасдиқланган Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 29 август,
60-ҚҚ-сон

Олий суд раиси**К. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 25 август,
16/707-21-сон

**Давлат хавфсизлик хизмати
раиси ўринбосари****Б. РАШИДОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 23 август,
35/5211-сон

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 29 август,
55ҚҚ-сон

Мудофаа вазири**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 19 август,
32-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 21 август,
01-02/22-40-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 29 август,
2021-35-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг 2021 йил 29 августдаги
60-ҚҚ-сон, Олий суднинг 2021 йил 25 августдаги
16/707-21-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг
2021 йил 23 августдаги 35/5211-сон, Ички ишлар
вазирлигининг 2021 йил 29 августдаги 55ққ-сон,
Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги
32-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
21 августдаги 01-02/22-40-сон, Давлат солиқ
қўмитасининг 2021 йил 29 августдаги
2021-35-сон қарорига
ИЛОВА

«Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Қарорда:

1) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»;

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.»;

2. Йўриқномада:

1) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА»;

2) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашъвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.»;

3) 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Терговга қадар текширув ва жиноят ишларини юритишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд қуйидагиларни олиб қўйишга ҳақли.»;

4) 2-бандда:

биринчи хатбоши «201-моддаларига» деган сўзлардан кейин «, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси эса, 329-моддасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «қабул қилиб олади» деган сўзлардан кейин «ва қонун ҳужжатлари талаблари асосида топширилишини таъминлайди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 3-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Радиоактив материалларни олиб қўйиш мутахассис иштирокида амалга оширилади.»;

6) 4-банднинг тўртинчи хатбошиси «олиб қўйиш имкони бўлмаса,» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 5-бандда:

биринчи хатбоши «тақдим этилганлиги тўғрисида» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар олиб қўйилаётган ёки тақдим қилинаётган нарсалар рўйхатини, уларнинг миқдори кўплиги сабабли, шу жойнинг ўзидаёқ тузиш имконияти бўлмаса, улар ўрамга солиниб муҳрланади ва нарсалари олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахс, холислар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, судья томонидан ёзувлар ва имзолар билан тасдиқланган ёрлиқлар билан таъминланади. Бундай ҳолатларда, олиб қўйилаётган, тақдим этилаётган нарсаларнинг рўйхати терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда холислар иштирокида тузилади ва бу ҳақда баённомада нарсалар солинган ўрамдаги муҳрлар ва имзолар бутунлиги кўрсатилади.»;

8) 6-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Зарур ҳолларда нарсаларни олиб қўйиш, тақдим қилиш чоғида фотосуратга ёки видеоёзувга туширилади, шунингдек ЖПКнинг 91-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар мажбурий тарзда видеоёзув орқали қайд этилади. Бунда, фотосуратлар, видеоёзув баённомага илова қилинади ва процессуал ҳаракатнинг номланиши, санаси, жойини изоҳловчи ёзувлар билан расмийлаштирилади.»;

иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ҳар бир олиб қўйилган, тақдим этилган нарса холисларга ва процессуал ҳаракатининг амалга оширилишида иштирок этаётган шахсларга танишиш ва кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Шундан сўнг, шикастланишига йўл қўймайдиган ва ундаги изларнинг (микроизлар) бутунлигини таъминлайдиган ўрамга жойлаштирилади (фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёки гаров тариқасида тақдим этилаётган пул ёки бошқа мол-мулк, катта ҳажмли нарсалар, катта оғирликдаги ёки ҳажмдаги моддалардан ташқари) ва нарсаси олиб қўйилган ёхуд қабул қилинган шахс, холислар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки судьянинг имзолари ва тасдиқловчи ёзувлари бўлган ёрлиқ билан таъминланади, тегишли орган муҳри билан муҳрланиб, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.»;

10) 8-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Баённома нарсани олиб қўйган ёхуд қабул қилган шахс, холислар, мутахассислар (агар улар процессуал ҳаракатни амалга оширилишида қатнашган бўлсалар), шунингдек нарсаси олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахс, агарда у йўқ бўлса, унинг вояга етган оила аъзоси ёки тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан имзоланади.»;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олиб қўйилган, тақдим этилган нарсалар сақланиши учун жавобгар шахсга (наrsa сақлаш учун терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд органида махсус ажратилган хонага ёхуд корхона, муассаса, ташкилотга топширилганда);»;

11) 11-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаровий даъвони таъминлаш ёхуд гаров тариқасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пулларни суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб рақамига топшириш масаласи алоҳида қарор (ажрим) чиқариш орқали дарҳол ҳал этилиши шарт.»;

12) 12-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ашёвий далиллар» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув материали ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агарда, наrsa ўзининг алоҳида хусусиятлари ёки сифатлари сабабли

махсус сақлаш шароитларида сақланиши лозим бўлса (маълум ҳарорат, намлик ва ҳ. к.), терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суд уни шу шароитларига эга муассаса ёки ташкилотга сақлаш учун топширади. Олинган (қабул қилинган) нарсалар мазкур Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибда (олиб қўйилган мол-мулк сақлаш учун савдо ташкилотларига берилади) ҳам сақланиши мумкин.»;

13) 15-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сақлаш хонасига топширилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг бутлиги учун терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органи раҳбарининг ёки суд раисининг буйруғига асосан масъул этиб тайинланган шахс жавобгар ҳисобланади. Бунда, қоида тарикасида, сақлаш учун масъул бўлган шахс терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки судья бўлмаслиги лозим.»;

14) 16-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Сақлаш хонасига фақат ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиши учун жавобгар шахс (кейинги ўринларда жавобгар шахс деб юритилади) иштирокида кириш мумкин. Агар у ёки унинг ўрнини босувчи шахс бўлмаса, сақлаш хонасига кириш тегишли прокурорнинг, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органи раҳбарининг, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда ДХХ деб юритилади), ички ишлар органи (кейинги ўринларда ИИО деб юритилади) тергов тармоғи бошлиғининг, суд раисининг (судьянинг) ёзма рухсати ва уларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади, ушбу шахсларда сақлаш хонасига кириш эшигининг дубликат калити бўлиши шарт.»;

15) 17-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси давомида олиб қўйилган ёхуд тақдим қилинган ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар, эксперт-криминалистика бўлинмаларида текширувдан ўтказилганидан кейин фақат Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб юритилади), ДХХ органларида ёки Мудофаа вазирлигининг ҳарбий (хўжалик) муассасаларида сақланади.»;

учинчи хатбошидаги «агар бу» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Радиоактив материаллар экспертизадан ўтказилади ва сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институтига ёки белгиланган лицензияга эга бўлган бошқа ташкилотга топширилади.»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

16) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Сойли стволли ўқ отар қуролларни қўллаш билан боғлиқ барча ҳолатлар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов

органлари ва судлар олиб қўйиш (қабул қилиш), кўздан кечириш ва тегишли текширишлар ўтказилганидан сўнг, қурол изи бўлган ўқлар, гильзалар ва патронларни, шунингдек сойли стволли ўқ отар қуролни ИИБнинг Давлат ўқ-гильзотекасига юборишлари шарт.

Сойли стволли ўқ отар қуролни Давлат ўқ-гильзотекада текширувдан ўтказиш билан бир вақтда, у Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг йўқолган ва аниқланган қуролларнинг оператив ҳисоби бўйича ҳам текширилади.

Сойли стволли ўқ отар қуролларни қўллаш билан боғлиқ ишлар таъминланган, кўрсатилган қуроллар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқолган ва аниқланган сойли стволли ўқ отар қуроллар бўйича ягона маълумотлар базасига ҳисобга қўйилиши шарт.»;

17) 19-банддаги «оператив» деган сўз «тезкор» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Олиб қўйилган (тақдим этилган) давлат мукофотлари ва уларга тааллуқли ҳужжатлар икки нусхада тузилган олиб қўйиш баённомаси ва нарсалар рўйхати билан бирга олиб қўйилганидан (тақдим этилганидан) кейин бир сутка муддат ичида терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказётган орган бухгалтериясининг кассасига топширилади ёки махсус алоқа хизмати орқали юборилади (уларни ўрганиш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно). Баённоманинг иккинчи нусхасига кассир мукофотлар ва уларга тааллуқли ҳужжатларни қабул қилганлиги ҳақида имзо қўйиб беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Айблов далолатномаси ёки айблов хулосасига илова қилинадиган маълумотномада олиб қўйилган, тақдим этилган давлат мукофотлари, уларга тааллуқли ҳужжатлар ва уларнинг сақланиш жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар давлат мукофотлари ва уларга тааллуқли ҳужжатлар ашёвий далил ҳисобланса ёки улар бўйича экспертиза тайинланса, улар зарур процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органида, судда қолиши мумкин.»;

19) 21-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ашёвий далил тариқасида олинган ёки жиноят содир этиш қуролли сифатида фойдаланилган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт, шу жумладан, сузувчи воситаларни, шунингдек хатланган транспорт воситалари, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида олиб қўйилган транспорт воситаларини алмаштириш ёки эксплуатация қилишга имкон бермаслик учун транспорт воситасининг спидометри (электрон спидометрдан ташқари), двигатели, руль бошқаруви, бошқа қисмлари ва деталлари олдиндан муҳрланган ва пломбаланган ҳолда (агарда улар эгасига, унинг қариндошларига ёки бошқа шахсларга, шунингдек ташкилотларга сақлашга топширилиши мумкин бўлмаса) сақлаш учун ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (кейинги ўринларда ЙХХБ деб юритилади), Бош

прокуратура, ИИБ ва ДХХнинг хўжалик бошқармаларига (бўлимларига) топширилади ва ушбу бошқарма (бўлим) раҳбарларидан сақлашга қабул қилинганлиги ҳақида тилхат олиниб, ишга қўшиб қўйилади. Тилхатда сақлаш учун қабул қилинган транспорт воситаси бутлиги учун шахсан ким жавобгар эканлиги кўрсатилади.»;

иккинчи хатбошидаги «ДЙХХХ» деган қисқартма «ЙХХБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

20) 22-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб қўйиш, тақдим этиш, экспертизадан ўтказиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

21) 23-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўйича экспертиза тайинлангунга ҳамда экспертиза хулосаси олингунга қадар муҳрланган ҳолда тегишлича ИИБ, ДХХ органи ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сақлаш хонасида ёки жазони ижро этиш муассасасида яшаш ва ишлаб чиқариш зоналаридан ташқарида жойлашган оператив қисмнинг сейфида сақланиши шарт.»;

иккинчи хатбошидаги «МХХ» деган қисқартма «ДХХ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

22) 24-банднинг биринчи хатбошидаги «Қамокда сақланаётган айбланувчиларнинг (судланувчиларнинг) паспортлари» деган сўзлар «Қамокда сақланаётган айбланувчининг (судланувчининг) паспорти ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 25-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига (кейинги ўринларда Қимматбаҳо металллар агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматига (кейинги ўринларда Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизмати деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 26-банддаги «Қимматбаҳо металллар агентлигига» деган сўзлар «Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 27-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир Йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир Йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нақд пул ва бошқа қимматликлар сақлаш учун банк кирим кассасига топширилганида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилига 004-шаклдаги

нақд пул ва бошқа қимматликлар сақлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанция расмийлаштириб берилади. Банк пул омборига сақлаш учун қабул қилинган нақд пул ва бошқа қимматликларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилига қайтариб бериш учун, уни топширган орган раҳбарининг имзоси қўйилиб, думалоқ муҳри билан тасдиқланган ёзма сўровномасининг асл нусхасига 004-шаклдаги квитанциянинг асл нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши керак. Банкка сақлаш учун қабул қилинган қимматликларнинг қисман қайтарилишига йўл қўйилмайди. Қимматликларнинг бир қисмини олиш зарур бўлса, банк қимматликлар солинган жўнатмани тўлиғича уларни топширган органга қайтариб беради. Банк пул омборига сақлаш учун қабул қилинган нақд пул ва бошқа қимматликларни бут сақланиши бўйича банкнинг моддий жавобгар шахслари, уларни топширган орган олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади. Банк пул омборида сақлаш учун қабул қилинган нақд пул ва бошқа қимматликларга зарар етказилган тақдирда, унинг эгасига етказилган зарарни қоплаш, қимматликнинг ҳақиқий баҳоси доирасида, лекин сақлаш учун қабул қилинган вақтда баҳоланган баҳосидан ошмаган миқдорда амалга оширилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нақд пул ва бошқа қимматликларни сақлаш учун топширган давлат органи ходими 004-шаклдаги квитанцияни йўқотган ҳолларда ёки бошқа сабабларга кўра уни банкка тақдим этишнинг имконияти мавжуд бўлмаса, бундай ҳолларда сақлашга топширилган нақд пул ва бошқа қимматликларни банк кассасидан қайтариб олиш учун ушбу давлат органининг республика миқёсидаги юқори турувчи ташкилоти (вазирлиги, қўмитаси ва ҳоказо) томонидан чиқарилган буйруқ асос бўлиши мумкин. Ушбу буйруқда банк кассасига сақлаш учун топширилган қимматликларни қайтариб олиш ваколатига эга бўлган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда олинадиган қимматликларнинг тўлиқ ва батафсил рўйхати қайд этилган бўлиши лозим.»;

26) 29-банднинг биринчи хатбошисидаги «тергов органининг қарори» деган сўзлар «дастлабки тергов органининг қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 31-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ишга қўшилган корреспонденциянинг мазкур иш бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд муҳокамасини юритишга дахлдор бўлмаган шахслардан сир сақланишини таъминлаши шарт.»;

28) 34-банднинг иккинчи хатбошиси «биологик объектлар» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув, суриштирув,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) 35-банднинг учинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология станцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат са-

ломатлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 37 ва 38-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган иш ва уй ҳайвонлари, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари, суд томонидан қарор чиқарилгунга қадар, тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда, сақлаш учун жабрланувчи шахслар ёки ташкилотларга, улар бўлмаганда эса, ҳудудийлик бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органи, ширкат ёки фермер хўжаликларига топширилади.

38. Айблов далолатномаси ёки айблов хулосасига илова қилинадиган маълумотномада иш бўйича олиб қўйилган, тақдим этилган нарсалар қаерда сақланаётганлиги, баҳоланганлиги ва улар топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тикилган иш варағи кўрсатилади.»;

31) 39-банднинг биринчи хатбошисидаги «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига, ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмасининг тармоқларига,» деган сўзлар «уй-жой мулкдорлари ширкатига, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари (улар ваколоти доирасида),» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) 40-банднинг тўртинчи хатбошиси «терговчи,» деган сўздан кейин «суриштирувчи,» деган сўз билан тўлдирилсин;

33) 41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Ашёвий далилларни, шу жумладан ўқ отар қурол ва терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят ишлари бўйича олиб қўйилган, ашёвий далил бўлиб ҳисобланмаган бошқа нарсаларни қайд этиш учун ҳар бир терговга қадар текширув (олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари бундан мустасно), суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларда мазкур Ўриқноманинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган шаклларга мувофиқ ҳисобга олиш китоблари юритилиб, улар ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни сақлаш ва ҳисобга олиш учун жавобгар шахсда туради. Ушбу китобларни юритиш қатъий ҳисобдаги ҳужжатларни юритиш қоидалари бўйича амалга оширилади. Китобнинг ҳар бир варағи рақамланади, ип билан тикилади ва муҳрланади ҳамда тегишлича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов бўлинмалари раҳбари, прокурор, суд раисининг имзоси билан тасдиқланади.»;

34) 44-бандда:

иккинчи хатбоши «Агар ашёвий далиллар» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув материалида ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «ҳисобга олиш китобидан ташқари,» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) 45-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Терговга қадар текширув материалида ёки жиноят иши билан сақланаётган ашёвий далиллар иш бир терговга қадар текширув органидан бошқасига ёки суриштирув, дастлабки тергов органига ёки бир суриштирув органидан бошқа суриштирув ёхуд дастлабки тергов органига ёки бир

терговчидан бошқа терговчига, шунингдек прокурор ёки судга юборилганда ёхуд бир суддан бошқа судга ўтказилганда иш билан бирга топширилади. Бу ҳақда ҳар бир топширилаётган нарса бўйича ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобида тегишли ёзув киритилади. Белгиланган тартибда ашёвий далил деб эътироф этилмаган нарсалар жиноят иши билан бирга топширилишига йўл қўйилмайди.»;

36) 47 ва 48-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Сақлаш хоналарига жойлаштирилган, шунингдек иш билан бирга бўлмаган ашёвий далиллар ва фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида хатланган нарсалар терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши топширилаётган орган ҳисобида туради, бу ҳақда ашёвий далиллар сақланаётган жойга хабарнома юборилади ҳамда ҳисобга олиш дафтари ва терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши бўйича маълумот варағида улар кимда сақланаётганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят ишини ўтказишда, у билан бирга йўлланадиган ашёвий далиллар илова хатда ёки унга илова қилинаётган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Айблов далолатномаси ёки айблов хулосасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча ашёвий далиллар, ҳар бирининг сақланаётган жойи кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим.

Ашёвий далиллар почта ёки чопар орқали етказиб берилганда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки судья ҳолислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечириб, уларни алоқа хати ёки рўйхат билан солиштиради. Кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади.

48. Ашёвий далиллар билан бирга терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят иши юборилаётган органнинг девонхона ходими, суднинг масъул ходими, ушбу нарсаларни қабул қилаётганда ўрамнинг ва ундаги муҳрларнинг бутунлиги (сақланганлиги)ни текширади.

Ўрам ва муҳр бузилган ҳолда суд котиби суд раиси (судья, суднинг масъул ходими) ҳозирлигида, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов органининг девонхона ходими унинг раҳбари ёки ўринбосари, шунингдек иш ва ашёвий далилларни етказиб берган шахс ҳозирлигида ўрамни очади ҳамда унда мавжуд бўлган нарсаларни рўйхатдаги (хатдаги), айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг маълумотномасидаги ашёвий далиллар тўғрисидаги ёзув ва ашёвий далилларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор билан солиштиради.»;

37) 49-бандда:

биринчи хатбоши «Агар мавжуд ашёвий далиллар» деган сўзлардан кейин «рўйхатдаги (хатдаги), айблов далолатномаси ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «ҳақиқатда мавжуд ашёвий далиллар» деган сўзлардан кейин «рўйхатдаги (хатдаги), айблов далолатномаси ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «прокурор,» деган сўздан кейин «терговга қадар текширув,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) 50-банд «айбланувчининг» деган сўздан кейин «(судланувчининг)» деган сўз билан тўлдирилсин;

39) 52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Жиноятга оид иш бир терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчидан айнан шу терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов органида ишловчи бошқа терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи ёки терговчига топширилганида, биринчиси топшириши, иккинчиси эса иш бўйича олиб қўйилган барча нарсаларнинг борлигини текшириб қабул қилиб олиши, ашёвий далилларни сақлашга жавобгар шахс иштирокида ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобига уларни қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиши шарт.»;

40) 53-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органининг қарори, суднинг ҳукми ёки ажримда ашёвий далиллар тақдири масаласи ҳал этилиши керак, бунда:

гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади;»;

41) 54-банд «қабул қилиш вақтида суд котиби ишда» деган сўзлардан кейин «суриштирув ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

42) 56-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилаётганида унда тўхтатилаётган иш бўйича олиб қўйилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланаётган жойи белгиланади. Ушбу объектлар, махсус сақлашга топширилиши лозим бўлмаса, тўхтатилган жиноят иши суриштирув ёки дастлабки тергов органида сақлаб турилган вақт давомида суриштирув ёки дастлабки тергов юритилган жойда сақланади ва иш бошқа суриштирув ёки дастлабки тергов органига топширилаётган вақтда иш билан бирга топширилади.»;

43) 59-бандда:

«МХХ» деган қисқартма «ДХХ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Радиоактив материаллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти ёки лицензияга эга бўлган бошқа ташкилот томонидан йўқ қилинади.»;

44) 60-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Эгаларига қайтарилиши лозим бўлган ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар уларга тилхат асосида натура шаклида берилади, тилхат жиноят ишига тикиб қўйилади ва унинг навбатдаги варағи сифатида рақамланади. Бир вақтнинг ўзида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни олиб бораётган органнинг бухгалтерия ҳисоби бўлими ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар қайтарилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилинади.

Манфаатдор шахслар улардан олиб қўйилган нарсаларни қайтариб олишлари мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади, хабарноманинг нусхаси терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишига тикиб қўйилади. Тилхатда олувчи ўз паспорти ёки идентификация ID-картаси ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатдаги маълумотларни ва яшаш жойини кўрсатади. Нарсаларнинг эгаси шахсан кела олмайдиган ҳолатда, уларни унинг ишончномаси бўйича бошқа шахс олиши мумкин, унинг тилхати ҳам ишга тикиб қўйилади. Агар нарсаларнинг эгаси муассаса, ташкилот бўлса, нарсалар уларнинг вакилларига ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлганида тилхат орқали топширилади.»;

45) 63-бандда:

иккинчи хатбоши «жиноят иши бўйича» деган сўзлардан кейин «суриштирув ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нарса топширилаётганида камида 2 нафар холис иштирок этиши ёки ушбу жараён видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.»;

46) 66-банд «Алоҳида ҳолларда» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

47) 67-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67. Терговга қадар текширув босқичида жиноят иши қўзғатиш рад қилинган, шунингдек суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида иши тугатилган шахсларга улардан олиб қўйилган нарсаларни қайтариш мазкур Йўриқноманинг 60-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Қабул қилинган қарор ҳақида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган шахсга дарҳол ёзма хабарнома юборилади.»;

48) 68-банд «Жиноят ишини» деган сўзлардан кейин «қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

49) 69-банд «жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли» деган сўзлардан кейин «жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50) 70-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматига топширилган нарсалар белгиланган ҳолларда эгаларига натура шаклида

қайтариб берилади, натурада қайтариш йўл қўйилмайдиган ҳолатларда эса қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг қиймати қопланади.»;

51) 72-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дастлабки тергов органи» деган сўзлар «Суриштирув ёки дастлабки тергов органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув ёки дастлабки тергов органи 3 суткадан кечиктирмасдан депозит ҳисоб рақамига гаров тариқасида қўйилган гаров суммасининг қайтарилиши кўрсатилган, гаров тариқасида эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш (агар бекор қилиш ёки ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитларини бузиш билан боғлиқ бўлмаса) ёхуд жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорнинг (кейинги ўринларда суриштирув ёки дастлабки тергов органининг қарори деб юритилади) гербли муҳр билан тасдиқланган нусхасини, гаров суммаси қабул қилинганлиги ҳақидаги банк қвитанцияси нусхаси билан бирга Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий органига юборади. Агар гаров суммаси уни қайтариш тўғрисида бевосита қарор қабул қилган суриштирув ёки дастлабки тергов органининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган бўлса, мазкур Йўриқноманинг 75-бандида кўрсатилган қоидалар қўлланилади.»;

52) 73-бандда:

биринчи хатбошидаги «3 суткадан кечиктирмасдан» деган сўзлар «бир иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «орган ҳисоб рақамига» деган сўзлар «органининг асосий ҳисоб рақамига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

53) 74-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74. Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий органи ҳисоб рақамига гаров суммаси келиб тушгач, давлат ижрочиси бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 22¹-моддасига асосан гаров суммасини олувчи шахсни хабардор қилади. Ижро ҳужжатида гаров суммасини олувчи сифатида кўрсатилган шахс ёки унинг қонуний вакили давлат ижрочисига гаров суммасини қайтариш тўғрисида талаб қўйган куни давлат ижрочиси томонидан унинг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига (банк картасига) гаров суммаси ўтказиб берилади.

Гаров суммаси аризада кўрсатилган банк ҳисобварағига (банк картасига) ўтказиб берилгач, давлат ижрочиси томонидан ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилинади ва унинг нусхаси ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга жиноят ишига қўшиб қўйиш учун юборилади. Ижро ҳужжати ва гаров суммаси аризада кўрсатилган банк ҳисобварағига (банк картасига) ўтказиб берилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси ижро иши материалларига тикилади.»;

54) 75-бандда:

биринчи хатбошидаги «дастлабки тергов органининг» деган сўзлар «су-

риштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «дастлабки тергов органи» деган сўзлар «суриштирув ёки дастлабки тергов органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суриштирув ёки дастлабки тергов органининг қарорида гаров суммасини олувчи сифатида кўрсатилган шахс ёки унинг қонуний вакили гаров суммасини қайтариш тўғрисида талаб қўйган куни молия тармоғининг масъул ходими томонидан унинг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига (банк картасига) гаров суммаси ўтказиб берилади. Гаров суммаси аризада кўрсатилган банк ҳисобварағига (банк картасига) ўтказиб берилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси жиноят ишига қўшиб қўйилади.»;

тўртинчи хатбошидаги «Агар дастлабки тергов органининг» деган сўзлар «Агар суриштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «дастлабки тергов органи» деган сўзлар «суриштирув ёки дастлабки тергов органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) 76-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«76. Айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарор, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор тасдиқланганида, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимоснома билан терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят иши судга юборилганида, шунингдек иш бошқа терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов органига юборилганида, прокурор, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органининг раҳбари, суд раиси (суднинг масъул ходими) иш бўйича олиб қўйилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни жойлашган жойи кўрсатилган ҳужжатларнинг ишда мавжудлигини текшириши, уларни ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобидаги ёзувлар билан солиштириши шарт.»;

56) 77-банддаги «Суриштирув органи бошлиғи, тергов тармоғининг бошлиғи,» деган сўзлар «Терговга қадар текширув, суриштирув, тергов раҳбари,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

57) 79-банд «тегишли прокурор,» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширув,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

58) 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Марказий банки, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилди:

*Фанлар академияси
Президенти*

Б. ЮЛДАШЕВ

2021 йил 9 август

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2021 йил 13 август

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси*

А. МАҚСУДОВ

2021 йил 16 август

*Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати бошлиги*

Б. ЮСУПАЛИЕВ

2021 йил 17 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

636 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3329*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4730-сон «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 декабрдаги 1040-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари 2021 йил 1 январдан давлат музейлари, музей-қўриқхоналари, уй-музейлари ва бошқа музей туридаги ташкилотлардаги маъмурий-бошқарув, ижодий ходимлари ва мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

О. НАЗАРБЕКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 сентябрь,
404-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2021 йил 26 август

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 20 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
маданият вазирининг 2021 йил
29 сентябрдаги 404-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган
давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ
тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 6-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: маъмурий-бошқарув ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари:

фан доктори илмий даражасига ёки фан доктори (Doctor of Science) ёки хорижий давлатларнинг уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлганларга — 2,5 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан номзоди илмий даражасига ёки фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий давлатларнинг уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлганларга — 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади.»

2. 7-илованинг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

Ижодий ходимлар ва мутахассисларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейлари, Ўзбекистон давлат санъат музейи, «Самарқанд» давлат музей-қўриқхонаси, «Бухоро» давлат музей-қўриқхонаси, «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси, И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчи-

лик тарихи давлат музейи, Фанлар академияси музейларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари 1,17 коэффициентга;

вилоятлардаги тарих ва маданият давлат музейларида базавий лавозим маошлари миқдорлари — 1,08 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан доктори илмий даражасига ёки фан доктори (Doctor of Science) ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлганларга — 2,5 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан номзоди илмий даражасига ёки фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлганларга — 2 коэффициентга оширилган ҳолда белгиланади.».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

637 Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 июлдаги 464-сон «Нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 25 майдаги 111-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2231, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 218-модда) билан тасдиқланган Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 7-бандида:

учинчи хатбошидаги «миллий паспорт» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 октябрда эълон қилинган.

публикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ҳарбий билетлар» деган сўзлар «ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эл фуқароларининг шахси — уларнинг миллий паспорти (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;»;

олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 октябрь,
16-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 2-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 218-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 38-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 октябрдаги 33-2021-сон, Молия вазирлигининг 2021 йил 16 октябрдаги 65-сон «Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3326.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 июлдаги 52-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2833-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 июлдаги 53-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш,

ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3327.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 27 сентябрдаги 9-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 28 сентябрдаги 10-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2021 йил 7 сентябрдаги 232-сон «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари, талабалари ва тингловчиларини ўқишдан четлаштириш ва уларни ўқишга тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3328.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 29 августдаги 60-ҚҚ-сон, Олий суднинг 2021 йил 25 августдаги 16/707-21-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 23 августдаги 35/5211-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 29 августдаги 55ққ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги 32-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 21 августдаги 01-02/22-40-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 29 августдаги 2021-35-сон «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174-2.

9. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2021 йил 29 сентябрдаги 404-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари микдорларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3329.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги 16-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 30 сентябрдаги 22-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь).

2021 йил 19 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига асосан доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳамда уларнинг таркибига кирадиган ҳакамлик судьялари сони тўғрисида

М А Ё Л У М О Т

2021 йил 1 июнь ҳолатига.

Т/р	Ҳудудий адлия органлари номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари	Ҳакамлик судьялари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	14	24
2.	Андижон	19	6
3.	Бухоро	18	31
4.	Жиззах	12	8
5.	Қашқадарё	14	35
6.	Навоий	14	60
7.	Наманган	17	74
8.	Самарқанд	23	60
9.	Сирдарё	5	10
10.	Сурхондарё	20	47
11.	Фарғона	21	43
12.	Хоразм	16	34
13.	Тошкент шаҳар	37	488
14.	Тошкент вилоят	24	34
15.	Жами	254	954

Андижон вилояти			
			01.06.2021 йил.
Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахсинг номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш санаси ва тартиб рақами	Ҳакамлик суди судьяси Ф.И.О
1	2	3	4
1.	Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Андижон вилоят бошқармаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	28.02.2009 йил. № 5-1	Вакант
2.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 34	1. Рўзиев Шавкатбек 2.Кўчқаров Тулкинбой Позилевич
3.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Жалақудук туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 33	Вакант
4.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Избоскан туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 31	Вакант
5.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Хўжаобод туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 29	Вакант
6.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Марҳамат туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 30	Вакант
7.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Шахрихон ва Бўз туманлараро ҳакамлик суди.	18.03.2016 йил. № 32	Орипов Муроджон Тоштемирович
8.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Кўргонтепа туман ҳакамлик суди.	30.06.2010 йил. № 78	Камолов Мухиддин Рузиевич
9.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Асака туман ҳакамлик суди	12.05.2011 йил. № 62	Вакант
10.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси хузурида доимий фаолият кўрсатувчи Балиқчи ва Улғунор тунлараро туман ҳакамлик суди	13.07.2017 йил. № 25	Ахмедов Олимжон Маматқосимович

1	2	3	4
11.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Андижон туман ҳакамлик суди	09.09.2011 йил. № 75	Вакант
12.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Хонобод ва Қорасув шаҳарлараро ҳакамлик суди	07.05.2012 йил. № 38	Вакант
13.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Олтинқўл туман ҳакамлик суди	07.05.2012 йил. № 2	Умаров Турсунбой Саидуллаевич
14.	«Асака Васатия» хусусий корхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	06.01.2010 йил. № 1	Вакант
15.	«Адолат ҳакам-Анд» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	09.11.2009 йил. № 65	Вакант
16.	«Бахт Ишонч Хамкор» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	03.05.2009 йил. № 18	Вакант
17.	«Брем Анд Контакт» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	07.08.2009 йил. № 32	Вакант
18.	«Баркамол Шамс Нури» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	07.08.2009 йил. № 36	Вакант
19.	«Тадбиркор аёл» нодавлат ноτιжорат ташкилот ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	27.10.2009 йил. № 62	Вакант
Бухоро вилояти			
1.	Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	26.02.2009 йил. № 1	1. Махсудов Ёдгор Мухамадович
			2. Холов Фазлиддин Холович
			3. Мирзаев Жамшид Тоҳирович
			4. Курбанов Ҳасан Нарзуллаевич
			5. Ташпулатова Нилуфар Каримовна
			6. Қулдашева Махфузажон Бахшилловна
			7. Идиев Шухрат Саидович
			8. Абдурахимов Умид Каримович
			9. Ашуров Дилшод Каримович
			10. Алмосов Ёркин Абдуманнонович
2.	«MEDIATOR» хусусий консалтинг корхонаси ҳузуридаги «Ҳимоя» ҳакамлик суди	26.02.2009 йил. № 2	1. Юльчиева Динара Вахобовна
			2. Атоев Азамат Ашурович
			3. Хасанов Уктам Насуллоевич
			4. Салимиджанов Баходир Равшанович
			5. Пак Роза

1	2	3	4
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бухоро вилоят ҳакамлик суди	09.07.2010 йил. № 3	1. Махмудов Фурқат Ҳасанович
			2. Раджапова Дилфуза Зокировна
			3. Ҳамроев Фарход Рузиевич
			4. Холов Бахтиёр Акрамович
			5. Ҳамроев Мўмин Жалол ўғли
			6. Жумаев Наврузжон Садиллоевич
			7. Хайтов Шамшод Шомуродович
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Гиждувон туман ҳакамлик суди	09.07.2010 йил. № 4	Вакант
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Ромитан туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 5	Вакант
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Қоровулбозор туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 6	Файзиев Ҳаким Равшанович
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бухоро шаҳар ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 7	Мавлонов Хасанбой Боймуродович
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Вобкент туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жондор туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 9	Вакант
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бухоро туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 12	Вакант
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Когон шаҳар ва туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 13	Вакант
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Олот туман ҳакамлик суди	30.11.2010 йил. № 15	Вакант
13.	«ARBITR BUKHARA» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги ҳакамлик суди	24.03.2011 йил. № 16	Вакант
14.	«FEMIDA — BUXORO» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги Бухоро ҳакамлик суди	13.03.2012 йил. № 17	Вакант
15.	«FEMIDA — IMKON PLYUS» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Бухоро ҳакамлик суди	31.05.2013 йил. № 19	Кандимов Отажон Назарович
16.	ООО «ARBITR BUKHARA»	24.03.2011г. N16	1. Файзиев Рустам Рахматович
			2. Юсупов Баходир Бахронович
			3. Йулдошев Журабек Сайфидинович
			4. Рахимов Бахтиёр Исломович

1	2	3	4
17	ООО «FEMIDA — BUXORO»	13.03.2012г. N17	1. Сохибов уткир Субхонович
18	ООО «FEMIDA — IMKON PLYUS»	31.05.2013г. N19	1. Кобилов Эркин Олимович
Жиззах вилоят			
1.	Ўзбекистон Савдо -саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	24.02.2009 йил. № 1	1. Бабамурадов Умнат Эрманович 2. Кулматов Фарход Уралович 3. Нарзуллаев Пулат Хасанович 4. Сулайманов Сайдивали Абдусаломович
2.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	15.04.2011 йил. № 2	1. Абдуваитов Абдулваси 2. Бурибоев Бахриддин 3. Бекбобоев Сухроб Қаҳромонович 4. Болтабоев Мамаражаб
3.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жиззах шаҳар ҳакамлик суди	16.09.2011 йил. № 3	Вакант
4.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жиззах туман ҳакамлик суди	16.10.2011 йил. № 4	Вакант
5.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Зомин туман ҳакамлик суди	14.11.2011 йил. № 5	Вакант
6.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Янгибод туман ҳакамлик суди	14.11.2011 йил. № 6	Вакант
7.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Галлаорол туман ҳакамлик суди	13.12.2011 йил. № 7	Вакант
8.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Зафаробод туман ҳакамлик суди	13.12.2011 йил. № 8	Вакант
9.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Фориш туман ҳакамлик суди	08.02.2012 йил. № 9	Вакант
10.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Дўстлик туман ҳакамлик суди	25.04.2012 йил. № 10	Вакант
11.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бахмал туман ҳакамлик суди	23.07.2012 йил. № 11	Вакант
12.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Мирзаҷўл туман ҳакамлик суди	08.10.2012 йил. № 12	Вакант

1	2	3	4
Қорақалпоғистон Республикаси			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон бошқармаси хузуридаги ҳакамлик суди	27.03.2009 йил. № 1	1. Айбергенов Рустем Бердибаевич 2. Кабулов Хожабай Алдашович 3. Маткаримова Диларам Даулетбаевна 4. Азербаетов Куанышбай Кошкинбаевич 5. Сейтахов Ажинияз Полатбаевич 6. Изимбетова Раушан Таженовна 7. Шадибеков Бахыт Бердимуратович 8. Казакбаев Рустем Нуранбаевич 9. Кутибаев Сағйдулла Муфтуллаевич 10. Алланазаров Саламат Қайратдинович
2.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	28.08.2011 йил. № 2	1. Тилегенов Марат Хожабаевич 2. Сапаров Аббас Утепбергенович 3. Абдуллаев Азатбай
		22.11.2011 йил. № 3	1. Улымбетов Абай Муратович 2. Аймуратова Арухан Юсуповна 3. Мняжова Гулчехра Айтбаевна
		22.11.2011 йил. № 4	Абдуллаев Амирбек Саламатович
		22.11.2011 йил. № 5	Вакант
		22.11.2011 йил. № 6	Вакант
		22.11.2011 йил. № 7	1. Исмаилов Ибрагим Қурбанбаевич 2. Серикбаев Мансурбек Абдихаликович 3. Раджапова Насиба Зарипбаевна
		22.11.2011 йил. № 8	Вакант
		27.02.2012 йил. № 9	Аллаберганов Мадияр Исмаилович
		12.04.2012 йил. № 10	Вакант
		06.01.2014 йил. № 11	Вакант
		17.09.2014 йил. № 12	Вакант
		17.09.2014 йил. № 13	Вакант
		31.08.2016 йил. № 14	1. Алимов Зокир Балтабаевич 2. Джумамуратов Максуд Раджапович 3. Атаджанов Уктам Юлдашевич
Қашқадарё вилояти			
1.	Қарши шаҳар «Холис қалқон» масъулияти чекланган жамияти	02.02.2009 йил. № 1	1. Нормўминов Қўшоқ Абдухаликович 2. Кучаров Джулчи Худжаевич 3. Сапаров Зиёдулла
2.	Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси	26.02.2009 йил. № 2	1. Юсупов Эркин Холматович 2. Каримов Суён 3. Гадаев Кувончбек Эшқобилович 4. Қудратов Обид Ҳктамович 5. Имамов Фарход Фармонович 6. Гулов Мухтор Очилович

1	2	3	4
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят	05.11.2010 йил. № 3	1. Турсунов Саидахмад Махмасоатович
			2. Юлдашев Баходир Ботирович
			3. Усманов Шарофхон Исомиддинович
			4. Бекбутаев Шавкат Бекбутаевич
			5. Ташев Бахтиёр
			6. Мурадов Фахриддин Тожиддинович
			7. Нурматов Убайдулла Ташмуродович
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Шахрисабз туман ҳакамлик суди	21.01.2011 йил. № 4	1. Тўраев Анвар Ҳакимович
			2. Ачилдиев Абдувайит Тураевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Косон туман ҳакамлик суди	21.01.2011 йил. № 5	1. Ачилов Шухрат Абдугафурович
			2. Эшимов Фахриддин Хўжайорович
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Китоб туман ҳакамлик суди	01.03.2011 йил. № 6	Вакант
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Яккабоғ туман ҳакамлик суди	01.03.2011 йил. № 7	1. Қобилов Озод Замонович
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Гузор туман ҳакамлик суди	31.03.2011 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Чироқчи туман ҳакамлик суди	31.03.2011 йил. № 9	Вакант
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Муборак туман ҳакамлик суди	11.04.2011 йил. № 10	Вакант
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси хузуридаги Қарши туман ҳакамлик суди	11.05.2011 йил. № 11	1. Эшимов Хоким Бобоёрович
			2. Хушматов Шахбоз Нафас ўғли
			3. Эшқобилов Камол
			4. Эшимов Бобур Илхомович
			5. Бахтиёров Низомиддин Абсаматович
			6. Бўранов Икромжон Абдушукурович
			7. Рахмонов Шохрух Ровшан ўғли
			8. Ибрагимов Мухаммадхон Ибрагим ўғли
			9. Ибрагимов Илёс Ибрагим ўғли
			10. Нурмаҳматов Шухрат Нурмаҳмат ўғли
			11. Саидов Отабек Шухратович
			12. Турдалиев Эркин Шухратович
			13. Омонов Толиб Омонович
			14. Абдурахмонов Бахриддин Рўзиевич

1	2	3	4
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Касби туман ҳакамлик суди	28.11.2011 йил. № 12	Вакант
13.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Қамаш туман ҳакамлик суди	28.11.2011 йил. № 13	Вакант
14.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Нишон туман ҳакамлик суди	16.12.2011 йил. № 14	Вакант
Навоий вилояти			
1.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	13.02.2009 йил. № 1	1. Исмоилов Шерзод Мирсолиевич 2. Махкамов Шерзод Нурмухаммадович 3. Тилавов Мизроб Худойназарович 4. Эшқувватова Мукаррам Нормурадовна 5. Худойбердиев Комил Тоштемирович 6. Низомов Шавқиддин Шамсиддин ўғли 7. Дониёрова Фируза Холмирововна 8. Тайлақов Тоштемир Амонбоевич 9. Норов Абдувоҳид Орипович 10. Қуролов Уйғун Қулмонович 11. Базаров Бахтиёр Бабакулович
2.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.10.2010 йил. № 2	1. Тилавов Мизроб Худойназарович 2. Ҳайитов Алибек Асадович 3. Рахмонов Ҳакимжон Мехриддинович 4. Эшқувватова Мукаррам Нормурадовна 5. Муминов Собиржон Жумакулович 6. Изатуллаев Фарход Тўхтаевич 7. Толибова Санобар Рузиқулловна 8. Узоқов Жаҳонгир Жамолович 9. Бабаёрова Лола Шамсиддин кизи 10. Назаров Чули Рахимович 11. Тилаболдиева Мавлудахон Турсуновна 12. Камолов Муродилло Давронович 13. Раззоқов Шахриддин Шавкатович 14. Назаров Нодир Чўлиевич 15. Шарипова Муяссар Эсанбоевна 16. Туронова Маърифат Аваз кизи 17. Бобоходжаев Рустам Баходирович

1	2	3	4
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Кармана туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 3	1. Достонов Жаҳонгир Эркинович 2. Гаппоров Ибодулло Қудратович 3. Муртазов Ойбек Барноевич 4. Юлдошева Зулфия Ҳамид қизи
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Қизилтепа туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 4	1. Сувонов Отабек Хайруллоевич 2. Амонов Аминжон Эргашевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Конимех туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 5	Вакант
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Навбаҳор туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 6	1. Абдурахмонов Акрам Абдухалилович 2. Хасанов Маъруфжон Муртазаевич
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Нурота туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 7	Вакант
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Учқудук туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Хатирчи туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 9	1. Тўқсонов Мурод Хасанович 2. Шукуров Илхом Ортиқович
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Зарафшон шаҳар ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 10	1. Исроилова Дилором Ортиқовна 2. Шамсутдинова Гулниса Шароповна
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи Навоий шаҳар ҳакамлик суди	27.02.2013 йил. № 11	1. Ахмедов Ҳамдулла Абдинабиевич 2. Ширинов Фирдавс Муҳиддинович 3. Мусирмонов Рустам Нормухаммедович 4. Каримов Илхом Исломович 5. Назаров Чўли Рахимович 6. Асланов Зухриддин Бахриддинович 7. Шарипов Ҳамдамбой
12.	«EXPORT IMPORT CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти	18.10.2016 йил. № 12	1. Махкамов Шерзод Нурмухаммадович 2. Отаев Феруз Ҳозилович 3. Латипов Суръат Рўзимуродович 4. Норов Абдувоҳид Орипович 5. Қодиров Алишер Эшпўлатович 6. Розиков Лазизжон Абдунабиевич 7. Холов Жасур Махмудович 8. Амонов Шухрат Бахтиёрович 9. Бозорова Камола Очилтошовна

1	2	3	4
13.	«NAVOIY-ESPERANTO» масъулияти чекланган жамияти	06.06.2018 йил. № 13	1. Махкамов Шерзод Нурмухамедович 2. Базаров Бахтиёр Бабакулович 3. Норов Абдивоҳид Орипович
14.	«NAVOIY ARBITRAJ MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти	24.04.2020 йил. № 14	Садиков Анвар Сабирязович
Наманган вилояти			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят худудий бошқармаси	28.05.2009 йил. № 2	1. Вафоқулова Лолахон Бахрамовна 2. Асранбаев Муминжон Кучкарович 3. Акбаров Улугбек Аюбханович 4. Икромов Туроббой. 5. Мухитдинов Муслихўжа Нуманович 6. Дадаханов Алишер Хаписович
2.	«Озодлик» хусусий корхонаси	23.06.2009 йил. № 3	1. Ибрагимов Ваҳобжон 2. Санажаров Искандар 3. Нуриллаев Абдурахмон 4. Долимов Хабибилла Абдуғапарович
3.	«Ибрагимов савдо сервис» МЧЖ	17.03.2010 йил. № 4	1. Садыков Осим Адылович 2. Иноятлов Мирсодик 3. Амонуллаева Дилбар Хабибуллохоневна 4. Нуриддинова Максуда Тўхтаназаровна 5. Нуриддинова Мухайё Махмуджановна 6. Ибрагимова Дилдора Рискинбаевна 7. Мирзабдуллаев Аслиддин Рустамович 8. Ходиев Фахриддин Хусанович 9. Назаров Холдорали Кучкарович 10. Қодиров Рохил Камолитдинович 11. Узакова Шоира Хасановна 12. Ашўрматов Бекзод Кодирович 13. Мирзамахмудов Жаҳонгир Нуриддинович 14. Рузибоев Фарходжон Махмудович 15. Бекмирзаев Отабек Османбекович 16. Горяинов Александр Юрьевич 17. Аскарлов Кодир Камбарович 18. Мамуржанов Хусанбой Тоҳиржанович
4.	«Виждон химоя кўриқлаш» МЧЖ	12.11.2010 йил. № 5	Рузибоев Турғунпулат
5.	«Холис ҳакам» хусусий корхонаси	23.12.2010 йил. № 6	1. Ибрагимов Алишер Шарипович 2. Юлдашев Абдусалом Абдулаҳадович 3. Нуриллаев Абдурахмон 4. Аҳмаджанова Оқилахон Аъзамовна

1	2	3	4
